

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

“Кино, телевидение ва радио санъати” факультети
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси

Ўзбек давлат драма театри ижодий фаолияти
(2010-2015 йиллар мисолида)
5150200-Санъатшунослик(театршунослик)
таълим йўналиши 4 – босқич талабаси
Умарова Адибанинг
битирув малакавий иши

Курс раҳбари:
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
маданиятшунослик”
кафедраси профессори,
Санъатшунослик фанлар доктори,
С.М.Қодирова
“ ” 2016 йил

Илмий раҳбар :
“Санъатшунослик ва
кафедраси катта ўқитувчиси
Ф.М.Абдувоҳидов
“ ” 2016 йил

Тошкент-2016

Мундарижа

Кириш.....	3
-------------------	----------

I – БОБ.

Мустақиллик даври бунёдкорлиги ва замондош талқинлари

1. Замонавий мавзу ва замондош талқинлари.....	10
2. Репертуар яратиш йўлидаги ижодий изланишлар.....	22

II – БОБ.

Асарга янгича ёндошув: ижро ва талқин масалалари

2.1 Классик асарларга янгича ёндашув.....	31
2.2 Режиссура ва актёрлик санъатидаги изланишлар	43

Хулоса.....	56
--------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60
--	-----------

Илова	
--------------------	--

Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг қадимий илдизлари халқ ўйин ва томошаларига бориб боғланади. Лекин XX асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан – юртимиз ва жаҳон миқёсида шаклланган, даврлар синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол топганини эътироф этиш зарур.

Ислом КАРИМОВ

Кириш

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар туфайли театр санъатида жуда катта ўзгаришлар ва янгиликлар содир бўлди. Истиқлол мамлакатимизда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир санъаткорнинг ўз қобилияти, истеъдодини баралла намоён эта олиш имкониятини берди. Айниқса, драматургияда, режиссурада, актёрлик санъатида эркин ижод қилиш имконияти яратилди. Республикамиз театрларида миллий ғуруримизни ўстирадиган, ўзлигимизни англашга хизмат қиладиган тарихий ва замонавий мавзулардаги спектакллар яратилиб томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

“Театр – ибратхонадир” – деб такидлар ўтган эди буюк маърифатпарваримиз Маҳмудхўжа Бехбудий. Ушбу масканда инсонлар турли ҳолат ва тақдирларга гувоҳ бўлиб ижрочилар билан биргаликда йиғлаб, бирга қувонадилар. Саҳнадаги қаҳрамонлар тақдири ҳар бир томошабиннинг руҳияти ва маънавиятига таъсир кўрсатади. Бунинг воситасида томошабин ҳаётининг кеча ва бугунини, шунинг баробарида эртаси ҳақида фикр юритади.

Мамлакатимиз мустақилликга эришгач, театр санъатига бўлган эътибор кучайиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ота – боболаримизнинг

бебаҳо меросига ва умумий қадриятларига таянувчи миллий мафкурага эга, маънавияти бой ва ахлоқан баркамол, уйғун барқарор шахсни шакллантириш давлатнинг олий вазифаси”,¹ – деб таъкидлаб ўтганлар.

Театр ижодкорлари мустақилликнинг дастлабки йилларида айнан шу муҳим масалага диққат – эътиборлар қаратган ҳолда ижод қилишга киришди. Халқимизнинг қадимий мероси, урф-одатлари театрларимиз саҳнасида бадиий талқин этила бошланди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги 1998 йил 26 мартдаги Фармони миллий театр санъати истиқболини белгилаб берган ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Фармонда миллий ва қадимий театр анъаналирини ўрганиш, шунинг баробарида замонавий театр санъатини янада ривожлантириш, мамлакатимиздаги маънавий маърифий ислоҳатларда театр ижодкорларини фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида акс эттирган бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, ихтисослашган таълим тизимларини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, ҳамда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиришга оид масала ва вазифалар атрофлича кўрсатиб берилган.

Президентимиз И.А.Каримов айтиб ўтганларидек, “Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушиниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ”.²

¹Каримов И.А. 2000 йил 22 январда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси

²Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Тошкент, 2000 4-бет.

Театр санъатининг таъсир кучи юқорилиги сабабли ўзининг бадий таъсир кучи билан ажралиб туради. Бугунги кунда Республикадаги мавжуд театрлар орасида Ўзбек давлат драма театри юксак ғоядаги асарларни сахналаштириб, томошабинларга маънавий озуқа улашиб келаётган табаррук даргоҳлардан ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги. Театр санъатини ривожлантириш, уни янги давр, янгича дунёқараш нуқтаи – назардан тараққий топтириш, шунингдек бу уларнинг машаққатли ижод йўлини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бугунги санъатшунос ва театршунослар олдида турган муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбек давлат драма театри йиллар давомида ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Сахналаштирган спектаклларидаги ижодий – услубий изланишлар, янгича ёндошувлар нафақат ўзбек, балки қардош миллат вакилларида ҳам қизиқиш уйғотиб келмоқда. Мустақиллик йилларида театр фаолияти янада такомиллашди. Асар танлаш, мавзу ва жанр талабларини ҳисобга олган ҳолда спектакл сахналаштириш, репертуар тузиш, талқин услубини топиш, томошабинга таъсир кўрсатиш борасида кескин бурулиш вужудга келди. Айниқса муаллифлар билан ишлаш, ўз драматургини кашф этиш борасида йирик тажрибалар қўлланилди. Бу масалаларнинг барчасини кўриб чиқиш илмий тадқиқот учун долзарбдир. Тўғри ушбу театрнинг специфик хусусиятлари баъзи мутахассислар томонидан тор маънода ўрганилиб, кенг жамоатчиликка тарғиб қилинган бўлсада, аммо театрнинг босиб ўтган йўли, бу йўлда эришилган ютуқ ва камчиликлари, талаб ва эҳтиёж ва театрнинг кенг жамоатчиликка таъсири деярли ўрганилмаган. Айниқса театрнинг истиқлол йилларидаги ижодий қиёфаси, замонавий мавзуларга ҳолисона ёндошуви, ёшларнинг эстетик эҳтиёжларига мувофиқ келадиган асарларни сахналаштиришдаги ўзига хос ёндошувини тадқиқ ва тарғиб қилиш бугунги кун ўзбек театри ривожини учун муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур театрнинг сўнги беш йиллик фаолиятини, босиб ўтган ижодий йўлини тадқиқ этиш сахналаштирган спектаклларга таҳлилан ёндошув орқали объектив баҳо беришни тақазо этади. Театрнинг томошабинлар маънавий тарбиясини ошириш йўлида яратган репертуари ва ижодий изланишлари, турли мавзуда яратган энг сара, ўз вақтида давр очган спектакллари таҳлил ва тадқиқ қилинади. Муҳими, театрнинг беш йиллик фаолияти давомида юз берган репертуар сиёсати, режиссура ва актёрлик санъатидаги янгиликлар, спектаклнинг прокати, томошабинлар билан алоқаларнинг янгича мазмун, шакллари, халқаро маданият майдонида ортирган тажрибаларини ўрганиш, таҳлили қилиш ва ижобий томонларини услубиятини белгилаш мазкур тадқиқотимизнинг нафақат Ўзбек давлат драма балки ўзбек театрнинг яқин истиқболдаги ижодий ва ташкилий тараққиёти учун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар Ўзбек давлат драма театрнинг ижодий фаолияти ва ушбу масканда ижод қилиб келаётган актёр, режиссёр ҳамда актёрлари ҳақида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, мазкур институтнинг битирувчилари М.Эшқувватовнинг “Ўзбекистон Халқ артисти Азиза Бегматова ижодига чизгилар” (2011 йил), М.Имомназарованинг “Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган артист Хошим Арслонов ижодига чизгилар” (2012 йил) ва Ф.Кушназаровнинг “Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган артист Жумадулла Раметовнинг ижодий портрети” каби илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

“Театр” журналининг 2012/4 ва 2012/5 сонлари, шунингдек “Моҳият” газетасининг 2010 йил 23 июль сониде театрнинг “Аёл”, “Зубайда”, “Медия” спектакллари ҳақидаги мақолалар чоп этилган. Ушбу мақола ва тақризлар театрнинг бугунги кундаги ижодий фаолияти тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.

Қолаверса, бир қанча газета ва журнал саҳифаларида театр ва ижодкорлари фаолияти акс этган таҳлилий мақолалар ҳамда тақризлар чоп этилган. Аммо, театрнинг 2010 – 2015 йиллардаги ижодий фаолияти илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбек Давлат драма театрининг 2010 – 2015 йиллардаги фаолияти атрофлича ўрганилиб тадқиқ этиш учун муносиб деб топилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда Ўзбек давлат драма театрининг ижодий фаолияти мисолида яратилгант спектаклларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижодий изланишлари, ютуқ ва муаммолари чуқур ўрганилди ва умумлаштирилди. Шунингдек, театр фаолиятидаги ижодий-услубий изланишлар, ютуқлар, муаммолар актёр яратган мукаммал образларнинг таҳлили асосида қаралиб, хулосалар қилинади ва келгусидаги актёрлик, режиссёрлик санъати истиқболи йўлидаги баъзи мулоҳазалар, таклифлар берилади.

Ишнинг мақсал ва вазифалари. Ўзбек Давлат драма театрининг 2010 – 2015 йиллар оралиғидаги ижодий фаолиятини ўрганиш орқали уни бугунги кунга келиб мамлакатимизда тутган ўрнини аниқлаш ва шу сабабли унинг ижодий фаолиятини ўрганиш, илмий хулосалар чиқариш ҳамда ижодий изланишларини таҳлилий баҳолаш маскур тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқод учун қуйдаги вазифала танлаб олинди;

- театр фаолияти ва унда юз бераётган ижодий жараёнларни ўрганиш, таҳлилий баҳолаш;

- 2010 – 2015 йиллар оралиғида саҳналаштирилган спектаклларни қиёсий таҳлил қилиш;

- актёрлари ва режиссёрлар ижро, талқин услубларини баҳолаш;

- Театрнинг ютуқ ва камчиликларига тўхталиш, ютуқларини эътироф этиш, камчиликларни бартараф қилиш йўлларини ўрганиш илмий тадқиқот ишининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ишнинг объекти ва предмети. Мазкур театр белгилаб олинган беш йиллик фаолияти давомида сезиларли натижаларни қўлга киритди. Мавзу ва ижро талқини билан томошабинларни хайратга соладиган, тафаккурини уйғотадиган, фикрлашга ундайдиган бир қанча спектаклларни яратди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, ушбу илмий тадқиқот учун театрнинг беш йиллик оралиғидаги ижодий фаолияти объект сифатида танлаб олинди.

Ушбу йиллар оралиғида театр сахнасида намоиш этилган спектакллар эса тадқиқод предмети ташкил этади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Битирув малакавийиши ўзбек театри тарихи, режиссураси, актёрлик санъати йўналишларида келажакда яратилажак ўқув, услубий, дарслик қўлланмалари ва бошқа илмий ишлар учун ўзига хос, ишончли манбаа бўлиб хизмат қилиши мумкин. Амалий жиҳатдан эса, муסיқали театр соҳасининг режиссура, актёрлик санъати, муסיқа ва сахна жиҳози йўналишидаги амалиётчи санъаткорлар учун ўз соҳаларини чуқурроқ ва ҳар томонлама билишлари учун дастури амал бўлиши мумкин.

Ишнинг тузилиши. Малакавий битирув иши Кириш, асосий 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Кириш қисмида мавзу долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, илмий тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси, унинг илмий янгилиги, илмий-методологик асослари ва услуби, диссертациянинг илмий-назарий аҳамияти, натижалари, тузилиши кўрсатилади.

Биринчи боб “Мустақиллик даври бунёдкорлиги ва замондош талқинлари” деб номланиб, мазкур боб “Замонавий мавзу ва замондош талқинлари” ва “Репертуар яратиш йўлидаги ижодий изланишлар” номли кичик бўлимларни ўз ичига олади.

Иккинчи боб “Асарга янгича ёндошув: ижро ва талқин масалалари” деб номланиб у ҳам “Классик асарларга янгича ёндошув” ва “Режиссура ва актёрлик санъатидаги изланишлар” номли икки бўлимдан ташкил топган.

Хулосада назарий фикрлар умумлаштирилади, театр фаолиятидаги изланишлар, мукаммал спектакллар яратиш йўлидаги ютуқлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги мулоҳазалар билан бирга келажак изланишлар режалари ва истиқболи ҳақида хулосавий фикрлар айтилади.

I – БОБ

1. Мустақиллик даври бунёдкорлиги ва замондош талқинлари

1. Замонавий мавзу ва замондош талқинлари

Мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган санъат даргоҳлари орасида ўз нуфузи ҳамда ўз ўрнига эга Ўзбек Давлат драма театри, мана қариб 90 йилдан буён ўзининг ҳилма хил мавзу ва турли жанрдаги сахна асарлари орқали театр санъати ихлосмандлари меҳрини қозониб келмоқда.

Мазкур театр тарихи хусусида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбек Давлат драма театри биносига 1919 йил Саид Каримбой ҳовлисида пойдевор қўйилган бўлиб, бино ҳашар йўли билан қуриб битказилган.

Театр ўз ижодий фаолиятини 1926 йил сентябрида Ғулом Зафарийнинг “Ҳалима” спектакли билан бошланган. Театр биноси омма орасида “Халқ уйи” номи билан аталиб, 1939 йили унга Ҳамза номи берилган. 1968 йил 26 октябрь куни Маданият вазирлиги ташаббуси билан эски Ҳамза театри биноси “Ёш гвардия” театри ўз фаолиятини қайтадан бошлаган бўлиб, очилиш маросимида Максим Каримовнинг “Дийдор” томошаси намоиш этилган. Театрга 1991 йили “Аброр Ҳидоят” номи берилди. 2008 йилдан бошлаб эса у Ўзбекистон Давлат драма театри номи билан атала бошланган.

Мазкур даргоҳга Эргаш Масафаев бошлиқ бир гуруҳ ижодкорлар таклиф қилинган бўлиб, улар орасида: Ширин Азизова, Тўғон Режаметов, Азиза Бекматова, Фарҳод Аминов, Исамат Эргашев, Мирсоат Усмонов ва Каромат Аъзамовларни учратиш мумкин эди. Кейинчалик улар сафига Йўлчи Ҳакимов, Раҳмат Жуманов, Тожибой Нурматов, Доно Бобохонова, Мурод Ражабов, Ҳасан Йўлдошев, Муҳаммаджон Тўлаганов, Турдибек Содиқов, Муҳаммаджон Аҳмедов, Мадина Маҳмудова, Комил Насриддинов, Малика Иброҳимова ҳамда Ноила Тошкенбоевалар каби ижодкорлар фаолият юритган.

Вақт ўтган сайин ижодий жамоа таркиби ўзгариб, кетма – кет Рустам Каримов, Карим Мирҳодиев, Ҳошим Арслонов ёш ижодкорлар билан бойиб боради.

Дастлаб, театр репертуарини бойишида режиссёр Эргаш Масафаенинг ижодий изланишлари асосий ўрин тутган бўлса, кейинчалик Бахтиёр Ихтиёров, Ҳабибулла Файзиев ҳамда истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдашевларнинг ижодий изланишлар натижаси яратилган сахна асарлари ҳам муҳим ўрин эгаллади. 1984 йил театрнинг бош режиссёри вазифасига

Баҳодир Йўлдошев тайинланиши билан жамоа таркиби ва репертуарида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Тез орада театр репертуаридан “Ветсайд воқеаси” (А. Лаурен), “Қора камар” ва “Зиёфат” (Ш. Холмирзаев), “Майсаранинг иши” (Ҳамза), “Шайтон фаришталари” (Л. Герчиков), “Зинуля” (А. Гельман), “Узоқ қишлоқ” (Ҳ. Расул), “Аршин мол – олон” (У. Ҳожибеков), “Искандар” (А. Навоий асари асосида Ш. Ризаев инсценировкаси), “Бухорои шариф” (С. Айний), “Лунджининг юраги” (И. Букавич) ҳамда “Тоға-жиянлар” (Р. Бобожон) спектакллар ўрин эгаллайди. Бу спектакллар театрлар репертуарини бойитибгина қолмай, унинг бадиий савиясини юқори поғонага олиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Ўтган йиллар мобайнида театр мавқеи кундан кунга юксалиб, ҳар жиҳатдан мустаҳкам жамоалардан бирига айланди.

Айниқса 1988 йили саҳналаштирилган “Майсаранинг иши” спектакли Ўрта Осиё театрларининг “Наврўз” фестивалида ғолибликни қўлга киритиб, аввалига Москва, кейинчалик Германия гастрол сафари уюштиришга мувофиқ бўлди. 1989 йил саҳналаштирилган “Шарқ алломалари” спектакли ҳам Ирландия ва Буюк Британия театрларида чет эллик томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Шу билан бирга театрга Россия, АҚШ, Туркия ҳамда Тожикистон мамлакатларидан таниқли режиссёрлар таклиф этилиб “Алвидо ҳаёт”, “Қирол Лир”, “Гўзаллар ва Миршаблар”, “Отелло” спектакллар қайтадан саҳналаштирилди. Театри репертуаридан жаҳон классикаси, ҳамда шарқ ва ғарб драматургларининг асарлари ҳам ўрин эгаллаган бўлсада, асосан миллий драматик руҳда ёзилган асарларга эътибор қаратилди. Жумладан (С. Аҳмад) “Келинлар кўзғалони”, “Фармонбиби аразлади”, (Ж. Сарон) “Маъмура кампир”, (Б. Муҳаммадхўжаев) “Қитмир”, (Ҳ. Ҳ. Ниёзий) “Паранжи сирлари”, (А. Навоий асари асосида Ш. Ризаев инсценировкаси) “Искандар”, ҳамда “Чеча” каби кўплаб спектакллар томошабинларни қизгин олқишига сазовар бўлди.

Рус режиссёри Игорь Владимировнинг шундай сўзлари бор “Санъат дунёсида икки хил театр мавжуд: саволлар театри ва жавоблар театри. Бири турмуш муаммоларини кўндаланг кўяди, бири муаммоларга жавоб беради. Мен саволлар театри тарафдориман. Тўғри театр аввалам бор томоша, лекин у сахна асари билан томошабин виждонини ларзага солсин ва у билан тўқнашувда бўлсин. Ғоя ҳамда мақсаднинг аниқлиги, нима учун шу бугун сахна юзини кўраяпти? Мана бош масала! Театр бу қатор спектакллар тўплами эмас, мураккаб инсоний қисматларни янги авлодга етказадиган даргоҳ санъаткор сахна ҳақиқатини ҳис қилсин, тасаввур этсин, даврнинг, жамиятнинг виждонига айланиб томошабин кўнглини истило қила олсин! Энг муҳими... ўз соҳангизда том маънода ҳалол ва покиза бўлинг. Ўзингиздаги ўзингни кашф қилиш бу санъатдаги асосий мезон”³

Юқоридаги фикрга кўра театр бу чиндан ҳам жонли тарих ҳисобланади. Қайси сахна асарини олиб қараманг унда албатта инсон, жамият ёки миллатнинг асосий буғини сифатида намоён бўлади.

Театрга ташриф буюрган томошабин спектакл орқали ўз миллатининг ўтмиши ва тарихий қаҳрамонлари қисматидан ҳам воқиф бўлади. Ўрни келганда жамиятдаги мавжуд муаммолар билан тўқнашиб уларга жавоб излайди. Ўшбу театрининг мустақиллик йилларидан кейинги, хусусан яқин беш йиллик ижодий фаолияти давомида ҳам томошабинни ўйлатиб ўзи устида яна бир бор мушоҳада қилишга ундовчи, спектакллар яратилди. Айниқса, уларни замонавий талқинда, яъни ўз замондошларимиз қиёфалари орқали акс эттирилаётганлиги янада қувончли. Зеро, бу ўз навбатида театр ва унда кўйилаётган сахна асарларига нисбатан томошабин қизиқиши ортишига ҳам сабаб бўлди.

Ёшлар мавзудаги асарлар томошабинларни доимо ўзига жалб қилади. Чунки ҳар бир инсон ўз замонасининг долзарб муаммолари, замондош

ЗАҳмаджонов. К. Саҳнага таъзим. – Т.: Дизайн Пресс, 2010. 23 - бет

ёшлари ҳаёти, фаолияти, орзу – умидлари акс эттирилган спектаклларда қисман ўзларини кўрадилар, уларнинг интилишларини тушунишлари осонроқ кечади. Шу сабабли ҳозирги кунимизнинг ютуқлари, камчиликлари, зиддиятлари бор бўйи билан кўрсатиб берилган сахна асарларида томоша заллари доимо тўлиқ бўлаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Мазкур театрнинг “Эзгулик йўли” (Ш. Ризаев, Н. Аббосхон), “Зубайда” (К. Гоцци), “Аёл” (Зулфия Қуролбой қизи), “Жийдалилар” (Э. Аъзам) каби спектаклларида ҳам замондошлар образи ёрқин ифодасини топган.

Аббосхон асари асосида Сайфиддин Мелиев томонидан сахналаштирилган “Эзгулик йўли” спектаклида ҳам ҳозирги кунда ҳам учраб турадиган айрим эскича фикрлайдиган, дунёқараши тор раҳбарлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Собиқ тузум даврида яшаб, ўша давр ғоялари шиор қилган мансабдорлар учун “кўзгу” вазифасини ўтаган мазкур сахна асар ҳозир ҳам жуда долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Мазкур спектаклдаги воқеалар тизими, реал ҳаётга яқинлиги билан томошабин эътиборини қозонган.

Бир умр ишлаган, шон – шуҳрат ва обрўга эга бўлган ишидан ажралиш аввалига ҳокимга ёқмайди. Шу боис эндигина Президент академиясини битириб келган ёш мутахасис ва ҳоким ўртасида конфликт юзага келади. Ёш мутахасиснинг фикрлари ҳамда қўллаётган услубларига аввалига беписандлик билан қараб, хаттоки қаршилик қилишгача борган ҳоким, вақт ўтиши билан унинг қилаётган ишлари ва кенг дунё қарашга эгалигига амин бўлиб фикрини ўзгартиради.

Театрнинг етакчи актрисаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобохонова спектакл ҳақида шундай дейди:

“Эзгулик йўли” спектаклиданги ҳоким образи орқали эскилик ва янгилик ўртасидаги зиддият ифода этилади. Олийгоҳни эндигина битирган ёш мутахасис келиб ҳоким билан иш бошлайди. Ҳоким аввалига уни билимига беписандлик билан қарайди. Аммо орадан биров фурсат ўтиб

хоким йигитнинг билимига тан беради ва аста – секин ўз касбининг сир – асрорларидан уни хабардор қилиб боради. Охир оқибат хоким бир қанча номзодлар орасидан ҳокимиятни унга ишониб топширади”.⁴

Истеъдодли актёр Ҳошим Арслонов “Эзгулик йўли” спектаклидаги Ҳоким роли учун Президентимиз И. А. Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёрганлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги қарори асосида Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, театр ижодкорлари уюшмаси ҳамда Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида 2012 йил ўтказилган “Сени қуйлаймиз замондош” кўрик танловида “Энг яхши эркак ролининг ижроچиси ” номинациясини қўлга киритади.

“Шуҳрат Ризаев қаламига мансуб бу асарда кечаги ва бугунги ҳаёт, мустақиллик қадри ўзига хос сахнавий кўринишлар орқали очиб берилган. Пьеса нафақат пойтахтимиз балки Фарғона, Бухоро вилоятидаги томошабинларига ҳам манзур бўлганди. Ҳоким ролини менга беришганда, бажонудил рози бўлганман. Чунки, бугунги ҳоким образи – замон қаҳрамони”, - дея хотирлайди Ҳ. Арслонов. Унинг баъзи бир раҳбарлар такидлашича, томошага келганинсонлар ушбу образ орқали ўзларини кўзгуда кўргандай бўлиб, хатто актёрдан хафа бўлишгача борган экан. “Спектакл тасвирга олингач тасвирлани кўпайтириб, ҳокимларга жўнатдим. Кўплари “Мени қолиб қилиб олганмисиз?” деб хафа ҳам бўлишди. Хурсанд бўлганим улар спектаклда ўзини таниди, ўзини кўра билди. “Менинг ҳам мана шундай камчилигим бор. Балки баъзида одамлар билан муомала қилаётгандурман”, деган ҳаёлига келиши меҳнатимизни бесамар кетмаганидан дарак беради”⁵ – дея таъкидлади Ҳошим Арслонов

⁴Бобохонова. Д. 2016 йил 18 апрелдаги суҳбат

⁵Арслонов. Ҳ. 2016 йил 26 апрелдаги суҳбат

Театрида репертуарида, Ҳ.Арслонов “Мувозанат” спектаклини алоҳида ўрнига эга. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” номли романи бадиий адабиёт ихлосмандлари орасида анча машҳур ижод маҳсулларидан бири ҳисобланади. Собиқ тузум даврида халқимиз бошидан кечирган ташвишли кунлар ва ўша давр зиёлиларининг аянчли қисматлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур романни чоп этилишига кўп йиллар рухсат берилмаган. Аммо, “Ўзбекистон қаҳрамони”, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг саъйи ҳаракатлари натижасида китоб нашр этирилади. Сир эмаски, одатда роман ёки ҳикоя асосида спектакл саҳналаштириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. “Мувозанат” спектаклини яратилиши театри тарихида ҳар доим ҳам кузатилавермайдиган ҳолатлардан биридир. Ёзувчи асардаги Юсуф образ орқали мустабидлик даврида кўпчилик зиёлиларнинг бошидан кечирган аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Илму фанни пул ва молу – дунёдан устун қўйганлиги сабабли, Юсуф ўз яқинларига ҳам ёқмай қолиб, охир оқибат ҳаттоки ўз рафиқасининг нафратига ҳам сабаб бўлади. Етишмовчилик ва ночорликдан тўйган хотини ҳам охир оқибат ундан юз ўгиради. Аҳвол шу даражагача етиб боради–ки, Юсуф ночорлик сабабли ҳаттоки яккаю ёлғиз фарзандидан ҳам барвақт жудо бўлади. Аммо, шунда ҳам ўз мақсадларидан воз кечишни истамаган Юсуф, дўстлари Саид ва Миразмлар каби кайфу сафога берилиб тақдирга тан беришни истамай, мардикорлик ортидан кун кўришни маъқул кўради. Бироқ у кунлардан бир кун кўшниси Эргаш ака билан учрашиб қолади. Ва айнан шу учрашув уни ҳаётида тубдан бурилиш ясайди. Асли касби физика, математика ўқитувчиси бўлган, зиёли инсоннинг таназзулини кўриб, уни юраги қаттиқ ларзага келади ва нима қилиб бўлса ҳам бу ҳолга тушмаслик учун курашишига ҳаракат қилади. “Интиланга толе ёр” деганларидек ва нихоят унинг меҳнатлари ўз самарасини беради. Ҳаттоки, қийин вазиятга тушиб қолганида бир бор йўқламаган дўстлари ҳам уни излаб келадилар.

Спектакл бошланишидан то сўнгигача турли зиддиятли воқеаларга дуч келувчи бош қаҳрамон образи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслонов томонидан яратилган. Шу билан бирга театрнинг етакчи артистлари Гулбаҳор Йўлдошева, Жумадулла Раметовлар ҳамспектаклда турли характердаги инсонлар қиёфасини муносиб талқин этди.

Юсуф образи Ҳошим Арслоновдан анчагина ҳам жисмоний, ҳам руҳий қувват талаб қилгани спектакл воқеалари давомида яққол кўзга ташланиб туради. Кучли овоз имкониятлари, кўз ва юз ҳаракатларидан моҳирона фойдалана олиш қобилияти актёрга анча қўл келган. “Актёрлар ўз ролларини ижро этаётганларида кўзидаги маънони кинофильмларда, экранда яққол кўриш имкони бўлади. Ҳ. Арслонов ҳам ижросидаги Юсуф қиёфасини кўзи билан “гапирганини” қайд этиш мумкин. Спектаклда фақат актёрлик маҳорати эмас, балки образ, кўз ва қўл ҳаракатлари билан ҳам персонаж ҳаракатларини очишга мувоффақ бўлган”⁶.

Бош рол ижрочиси Ҳ. Арслонов спектакл хусусида шундай дейди:

“Улуғбек Ҳамдамнинг шу номли романи асосида яратилган “Мувозанат” спектаклидаги Юсуф образи мени ижодимда алоҳида ўрин тутади. Ўшбу роман катта ҳажмга эга эканлигини адабиёт ихлосмандлари яхши биладилар. Шу сабабдан уни сахнага олиб чиқиш осон бўлмайди. Муаллиф ва режиссёр ижодий ҳамкорлиги машаққатли меҳнатлари натижасида асар сахна юзини кўрди. Бу образни мураккаблиги шундаки, асарнинг бош қаҳрамони Юсуф, спектакл воқеаларни бошланишидан сўнгига қадар эслаш билан ўтказади. Табиийки воқеаларни эслаш чоғимда турли хил ҳолатларга тушишимга тўғри келади. Бир ҳолатдан тезлик билан бошқа ҳолатга кириш эса кишидан анча машаққат талаб этади. Бу спектаклни ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, унда Президентимиз И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақиллик оstonасида” номли китобларида

БИБРОҲИМОВА. Р. Мувозанатни кўриб. Театр, 2011 6 сон

тилга олинган масалалар ҳикоя қилинади. Ватанимиз мустақилликга эришмасидан олдинги қийинчилик вақтлари, ҳамда истиқлолни киритиш машаққатлари ушбу асарда ўз ифодасини топган”.⁷

Спектакл мувоффақиятини таъминлашда драматург ва актёрларга тўғри вазифа ҳамда йўналиш бера олган режиссёр С. Мелиевнинг хизматлари юқори. Филология фанлари доктори Раъно Иброҳимованинг “Мувозанат ни кўриб”, номли мақоласида бу хусусида қуйдагича фикр билдирган: “Спектаклда “Мувозанат” муаллифи бермоқчи бўлган тақдирлар манзараси фойдаланилган деталлар ҳисобига ўзидаги яхлитликни йўқотмаган.

Пьеса қаҳрамони Юсуфнинг болалиги, тоғаси Муҳаммаджон ака билан боғлиқ ўринларки, унинг мероси билан боғлиқ воқеаларни деталлар оқали беришга муваффақ бўлган, сахнадаги боғ, гуллаб турган дарахтлар, кесилган тўнкалар ва отасининг васиятини сахна ортидан эшиттириш, персанажлар ҳаётидаги воқеаларни беришда сахна имкониятларидан унумли фойдаланган”⁸

Муҳими мазкур спектакл театрда яратилган муваффақиятли сахна асарларидан бири бўлди.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йили Туркистонда театр ишлирини кузатаётган бир пайтда ўзининг “Ойна” журналида “Театр нимадур?” саволини ўртага ташлаб, “Жавобига театр ибратномадур, театр ваъзхонадур, театр таъзир адабдур. Театр ойнадурки, умумий ҳолларда анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўриб, кар – кулоқсизлар эшитиб асарланур. Хулоса: театр ваъз ва тадбиқ этувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни қабих ва зарарини айнан кўрсатувчидир. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри

⁷Арслонов. Ҳ. 2016 йил 26 апрелдаги сўхбат

⁸Иброҳимова. Р. Мувозанатни кўриб. Театр, 2011 6 сон

сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билгувчидир ”9 – дея ўзбек театрининг ижтимоий – эстетик мезонини белгилаб берган эди. Ҳақиқатдан ҳам театр санъати таъсир кучи юқорилиги ва “жонлилиги” билан алоҳида эътироф этиб келинади.

Инсон айниқса аёл кўнгли гулдай нозик ва нафис, шунинг баробарида ўта сирли хилқат ҳисобланиб, уни ҳар доим ҳам тўғри тушуна билиш ва англаш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Вужудига сўнмас меҳр, мустаҳкам ирода, метиндай мустаҳкам сабру матонат, садоқат ҳамда оловданда кучли муҳаббат мужассам эттирилган аёлларимизнинг ички туғёнлари ва қалб изтироблари акс эттирилган “Аёл” спектаклида, бир аёл тимсоли орқали ер юзидаги жамийки аёлларнинг кўнгил кечинмалари ҳикоя қилинади.

Мазкур асарни, 2012 йил режиссёр С.Мелиевнинг саҳналаштирилган. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг етакчи актёрларидан Т.Ҳазраткулова, Н.Тошматова, М.Абдуллаева, Б.Мирмаксудов ҳамда Г.Ҳакимовалар ижро этган. Воқеалар асосан ёзувчи аёл тили орқали баён қилиб борилади.

Асарнинг бош қаҳрамони аёл, касалхонада бошидан кечирганларини ҳаёл суради. Радиодан Ўзбекистон халқ артисти Р.Аҳмедованинг дилбар овози орқали таралаётган шеърлар жаранг сочмоқда. Махоратли шоиралар Ҳ.Ҳудойбердиева, Зулфия, З.Наврўзова, Фарида Афрўз ижодига мансуб шеърӣ сатрлар эса асар қаҳрамонларининг ҳолати ва ички кечинмаларини ифодалаб беришда режиссёрга анча қўл келган. Кетидан бетакрор овоз соҳиби А.Очиловнинг муҳаббатга йўғрилган тароналари гитара садолари жўрлигида жаранг сочади. Режиссёрнинг талқини спектакл мазмундорлигини оширибгина қолмай унга эстетик безак бера олган. Зеро, ундаги ҳар бир шеър ва кўшиқ шунчаки танлаб олинмай уларнинг ҳар бири асар қаҳрамонининг характериға жуда мос тушган.

9Бехбудий.М. Танланган асарлар.: -Т Маънавият, 1997.

Ярим тунда уйига ширакайф қайтган Мурод, аёлининг ҳавотирлари, сўроқларига кескин, эътирозли жавоб қайтаради. Бундай муносабатдан сабри тўлган аёл, онасиникига кетишига мажбур бўлади. Қарасаки, ахвол ўз уйидагиданда баттар. Ёлғиз акаси хаста, меҳрибон онаси эса келинойисининг миннатларини остида аранг кун кўраяпти. Она “Болам, ёлғиз аёлга қийин. Сен яхшиси оилангни сақлаб қол. Ахир ўртада фарзандларинг бор” деб аёлни ўз уйига қайтаради. Аёл онасининг насихатлари билан уйига қайтади. Аммо, эркак ўз аёлига тухмат қилиб яна тўполон кўтаради ва охир оқибат бошқа аёлга уйланиб олишгача боради. Энди аёл учун аввалгиданда азобли кунлар бошланиб, кундошининг “ эримни тинч қўй ” – деган таҳдидомуз қўнғироқлари авж олади. Аёл икки ўт орасида қолади. Ахир ҳар қандай вазиятда ҳам, у ҳам аёл, у ҳам бахтли бўлишга тўла ҳақли. Аммо ўзга бир аёлнинг бахтсизлиги ҳисобига эмас!.

Режиссёр С.Мелиев ҳар иккала аёлнинг ички изтироблари ва дардларини очиб бериш учун бор имкониятларини ишга солган ҳолда ҳаракат қилганлигига қарамай, спектакл ечими томошабинга у даражада мақул бўлмай, воқеалар якуни бироз мавҳумлигича қолган.

“Театр” журнали 2012/4 сониде эълон қилинган Л.Хайруллаеванинг ушбу спектакл ҳақидаги “Аёл” номли таҳлилий мақоласида бу ҳақда шундай фикр билдирилади:

“Режиссёр ҳар икки аёл дардини тўлалигича акс эттира олган. Бирок режиссёрнинг ечими бироз мавҳумроқ бўлиб қолган. Чунки эр аёли бошига шунча мусибатлар солишига қарамасдан бир оғиз ҳам кечирим сўрамайди. Бу ғурурли аёл характериға путур етказиб, ҳаракатлари сунъий чиқиб қолган. Бундан ташқари спектакл декорациясидаги ҳарир пардалар бутун сахнани қоплаган, бу актёрларнинг ҳаракатиға ҳалақит берган”¹⁰.

¹⁰Хайруллаева. Л Аёл Театр 2014 4 сони

Аммо ушбу спектакл қатор камчиликларга қарамай Ўзбек Давлат драма театрини репертуарига киритилган спектакллар орасида алоҳида ўрин тутиб келаётган сахна асарларидан бири ҳисобланади.

Маълумки мамлакатимиз мустақилликга эришгач, бошқа соҳалар қатори театр санъатига бўлган эътибор кучайиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Барча соҳалар қатори театр санъати ижодкорлари ҳам истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб бор эътиборларини айнан шу масалага қаратган ҳолда ижод қила бошладилар. Халқимизнинг айнан ўзигагина хос ва мос такрорланмас миллий меросимиз намуналари ўзининг ранг – баранг ва турфа жилolari билан театрларимиз сахнасида намоён бўла бошлабгина қолмасдан бу борада сезиларли ютуқларни ҳам қўлга киритишга мувоффақ бўлди.

Айниқса Президентимиз И. А. Каримовнинг 1998 йил 26 – мартда эълон қилинган “ Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисидаги фармони” миллий ўзбек театр санъатимизни келгусидаги истиқболини белгилаб берувчи ҳужжат бўлиб хизмат қила бошлади.

Албатта бундай фармон ва қарорлар ўз новбатида театр ижодкорлари зиммасига юклатилган маъсулиятини янада оширишга сабаб бўлади. Президентимиз И. А. Каримов 2010 йил 30 – август куни “Бухоро маданий маркази” ва вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг янги биноси очилишида ёшларнинг юксак маънавият теран тафаккур, мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашга қалби ва онгида эзгу ғояларини мустаҳкам қарор топишига хизмат қилувчи замонавий қаҳрамонлар образи тасвирланган сахна асарларини яратиш масаласи бугун долзарб аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Барча театр санъати ижодкорлари каби Ўзбек Давлат драма театри ижодий жамоаси ҳам ушбу масалага бор эътиборларини қаратган ҳолда янгидан – янги мавзу ва жанрдаги сахна асарлари устида иш бошладилар.

“Чароғбонлар” (Шароф Бошбиков), “Жийдалилар” (Эркин Аъзам), “Бахт эшик қоққанда” (С. Қурбонов), “Зулматдан нур” (А. Авлониининг “Пинак” ва “Адвокатлик осонми?” номли асарлари асосида) каби яна кўплаб спектакллар шулар жумласидандир.

1.2 Репертуар танлашдаги янги ижодий изланишлар

Сир эмаски одатда спектакл мувоффақиятини тامينловчи уч омил;

Яхши асар, яхши режиссура ва кучли иқтидорга эга актёрлар жамоаси ҳамкорлигида яратилган сахна асарлар нафақат актёрлар ижодий

салоҳиятини оширишга сабаб бўлибгина қолмай балки ўз новбатида, театр фаолиятини янада юксалишини таъминлашга хизмат қилади.

Зеро спектакл мувоффақиятида сахналаштирувчи режиссёрнинг ўрни алоҳида. Яхши асар танлай билиш ҳамда ҳар бир персонажга мос актёрлар жамоасини тўплаш кўпроқ режиссёрнинг маҳоратига боғлиқ жараёндир. Маҳоратли рус режиссёри Марк Захаров режиссёр амал қилиши шарт бўлган уч вазифани белгилаб уни шундай изоҳлайди:

“ Режиссёр учун муҳим вазифа бор бўлиб, томошабин сахнада ёки экранда кечаётган воқеадан кўз узолмай ўтириши учун учта шартга амал қилиш талаб этилади:

1. Сахнадаги ёки экрандаги қаҳрамон ҳар лаҳзада рўпара келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазият, ҳолат қаҳрамон асабларига кучли таъсир ўтказадиган, унинг мувозанатини бузиб юборадиган даражада бўлиши керак.

2. Қаҳрамон рўпара бўладиган вазият, ўз навбатида томошабинни бефарқ қолдирмаслиги, аксинча уни ҳам ҳайратлантириши, ҳаяжого солиши, безовта қилиб қўйиши керак.

3. Юзага келган вазиятдан қаҳрамонларнинг йўл топиб чиқиб кетиши ҳеч ким кутмаган шаклда рўй бериши шарт. Мавжуд вазиятдан чиқиб кетиши учун қаҳрамон амалга оширган фаолият кучли жасорат ва қаҳрамонлик даражасида кетиши керак.” 11

Шу ўринда бир нарсага диққатингизни қаратишни истардик – ки, биз бу ерда бежизга улуғ режиссёрнинг юқоридаги фикрларини келтириб ўтмадик. Биргина Ўзбек Давлат драма театрида мисолида олиб қарайдиган бўлсак, унинг репертуарларида чет эл килассик асарларидан тортиб, ўзбек адабиётининг энг нодир ва шу вақтгача юртимиздаги бошқа театрларнинг ижодий фаолияти давомида деярли кузатилмаган услубда сахналаштирилган спектаклларни ҳам учратишимиз мумкин.

11Маҳмудов. Ж Театр, режиссёр – актёр. Театр 2011 6 - сон

Мисол учун драматург А. Йўлдошев асари асосида С. Мелиев томонидан сахналаштирилган “Даҳо” ёки “Ҳаёт формуласи” номли спектакл ҳақида ҳам айнан шундай фикр билдиришимиз мумкин. Унда физика, математика фанлари бўйича изланиш олиб борган бир ёш олимнинг бошидан кечганлари тасвирланади.

Мазкур сахна асари одатдагидек спектаклдан фарқли бўлиб, майдон томошаси услубида сахналаштирилган. Унда сахна декорацияси ва сценографик воситалардан фойдаланилмаган бўлиб, асар воқеалари ўртада сахна вазифасини ўтовчи кичкина майдончада намойиш этилади. Томошабинлар эса майдон четида жойлаштирилган. Воқеалар олим йигитнинг тилидан ҳикоя қилиниб борилади.

Ўз ҳаётини илму фан сирларидан чуқурроқ ҳабардор бўлишга бағишланган. Олим йигит ота – онасининг қистови билан уйланишга мажбур бўлди. Ҳаёлида математик формулалардан бошқа нарса бўлмаган йигит, ҳатто рафиқаси–ю рўзғорини ҳам унутиб илмдан бош кўтармайди.

Натижада эр–хотин ўртасида турли низолар келиб чиқиб, икки қудаларни орасига ҳам совуқчилик тушади. Оиласидаги низолар–у жанжаллардан чарчаган йигит бир таниши билан биргаликда тижорат билан шуғулланиш мақсадида яқинларидан қарз олади. Аммо, хонавайрон бўлиб бир дарди минг бўлади. Охири аҳвол шу даражага борадики, қайнонаси келиб қизини уйига олиб кетади.

Ота–онаси–ю, ёру дўстларини йўқотиш эвазига олим ва ниҳоят ўз мақсадига етади–ю аммо ортга қараб бутун ҳаёти оқар сувдек ўтиб кетганини англайди.

Спектаклдаги асосий ролларни С. Лутфиллаев, Ф. Мелибоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Тўхтаева ҳамда театрнинг умидли ва кўзга кўриниб келаётган ёш актёрлари ижро этишган. Асар умр ва вақт мисоли оқар дарё. Уни беҳуда ўтказма. Дунёга келдингми ўзингдан келгусидаги авлодлар учун фойдаси тегиши мумкин бўладиган

нимадур қолдиришга интилиб яша деган ғояни илгани суради. “Даҳо” ёки “Ҳаёт формуласи” спектакли ҳам республикамизда ўтказиб келинаётган “Сени қуйлаймиз замондош” кўрик танловида намойиш этилиб кенг жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлган сахна асарларидан ҳисобланади.

Энг аввало режиссёр қўллаган майдон томошаси кўринишидаги услуб хусусида. Минг афсуски С. Мелиевнинг бу галги топилмаси мазкур спектаклда ўзини оқламаган. Яъни унчалик катта бўлмаган сахна четига томошабинларни жойлаштирилиши нафақат томошабинлар ҳаттоки актёрларнинг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилган. Натижада томошабин сахнада кўраётган асар воқеаларни у даражада тўлиқ тушуниб етмаганлиги табиий.

Актёрлар учун танланган либослар масаласи. Нима учун миллийлик дейилганда энги узун атлас нусха қуйлақлар—у, оппоқ рўмоллар тушинилиши керак? Қишлоқда яшовчи йигитлар фақатгина оқ яхтакда юриши шартми? Асар воқеалари қаҳрамонлари хатти – ҳаракати ва характерида ҳам бугунги ривожланиб бораётган жараёнга нисбатан мутаносиблик мавжуд.

Бош рол ижроچиси С. Лутфуллаев шу билан бирга Ф. Мелибоева жуфтлиги мувоффақиятли яратилмаган. Бу балки уша нотўғри танланган либослар сабабли, ташқи кўриниши бир бирига мутлоқо мос тушмаган.

“Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойий инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни сахнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончни оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамон образини яратиш керак”¹²

Президентимиз юқорида таъкидлаб ўтганларидек театр сахналарига олиб чиилаётган спектаклллар шунчаки репертуарини бойитибгина қолмай балки таъбир жоиз бўлса “етти ёшдан етмиш ёшгача” бирдек манзур

12Каримов. И. А Юксак маънавият енгилмас куч. —Т.: Ўзбекистон, 2008.

бўладиган ва томошабинни маънавий дунёсини бойитиб, тўғри бошлайдиган хусусиятига эга бўлиши лозим.

Мазкур театр жамоаси ҳам шуни унутмаган ҳолда янгидан–янги ижодий лойиҳалар устида излана бошладилар. Айниқса ўринда театр ёшларининг имкониятлар яратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти битирувчилари билан ҳамкорликда бир қанча спектакллар саҳналаштирилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ф. Усмонова қаламига мансуб “Қиз келин” спектаклини ана шундай саҳна асарлари сирасига киритишимиз мумкин. Режиссёр Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти битирувчиси Ф. Ашуров ва С. Мелиев. Лирик драма жанрига мансуб ушбу асарда ёшлар орасида учраб турадиган севги учбурчагини тасвиран саҳна кўринишида намоён этишга интилади.

Саттор, Райим ҳамда Зумрадлар ўртасидаги муҳаббат можролари тасвирланган саҳна кўринишари ва гитара садолари ҳамоҳанглигида жаранг сочувчи кўшиқлар спектакл бошиданоқ сизни беихтиёр воқеалар иштирокчисига айлантириб қўйгандай бўлади. Воқиалар асосан шаҳардаги қаҳвахоналардан бирида юз берганлиги сабабли шунга мос декорация қурилган.

Икки устун ва тўрида Мона Лизанинг портретлари. Қаҳрамонларининг либослари ҳам асар воқеалари ҳамда уларнинг ёши ва ҳолатларига мос равишда танланган.

“ Спектакл бошланиши билан актёр томонидан айтиладиган биринчи сўз энг муҳим ва спектаклнинг кейинги тақдирини ҳал этиш мумкин. Томошабин сенга ишонадими – йўқми, сенинг ортингдан эргашадими йўқми – бу асар бошидаги биринчи сўзга боғлиқ. Инсон ўз тафаккурини ўзи шакиллантира олиши керак. Ақлини чархлай билиш ва уни ўзи истаган томонга йўналтириб билиши зарур. Ҳар бир янги спектаклда томошабинни

хайратлантириш, ажаблантириш ва таажубга солиш, ҳаяжонлантириш, руҳиятини безовта қила олиши керак”¹³ – деган эди М.Захаров.

М. Захаровнинг юқоридаги сўзларига кўра “Қиз келин” спектакли ноодатий кўринишда бошланади.

Асар воқиалари, бошиданоқ ёқимли бир қўшиқ билан бошланади.

Оқ, булут оппоқ булут,

Кўкдаги дафтар булут.

Сенга дардим сўзласам,

Бўлур минг дафтар булут...

Гитаранинг сеҳирли садолари оғушида жонли равишда куйлаган ушбу қўшиқни тинглашингиз биланоқ, асар муҳаббат мавзусида эканлигига амин бўласиз.

Зумрад ёшлик чоғлариданоқ Райимга унаштириб қўйилганига қарамай минг урингани билан унга кўнгил қўя олмайди. Тасодифан қахвахонага кириб келган Зумрад у ерда офицант бўлиб ишловчи Сатторга пинҳона кўнгил қўеди. Оддий савол жавоблардан бошланган суҳбат ҳар иккисини юрагида муҳаббат куртакларини ниш уришига сабаб бўлади. Аммо, Зумрад Райимни аянчли ўтмиши ҳақида хабар топгач раҳми келиб унга турмушга чиқади. Лекин унинг биргина нотўғри қарори ҳар уччала ёшнинг бахтсизлигига сабаб бўлади. Воқеалар давомида Зумрад танлаган йўлининг нотўғри эканлигини тушуниб етади ва Райимни ташлаб чет элга кетади.

Ватанга қайтганида эса яна хато қилганини тушуниб етади. Чунки у ташлаб кетган турмуш ўртоғи ҳам, севган кишиси Саттор ҳам бошқа билан турмуш қурган бўлади. Зумрад ҳаётини бошқаттан бошлашга аҳд қилиши билан воқеалар ўз ечимини топади.

Ушбу спектакл 2014 йил ўтказилган ёш ижодкорларнинг “Дебют”

¹³Маҳмудов. Ж Театр, режиссёр – актёр. Театр 2011 6 - сон

кўрик – фестивалида “Режиссёрлик санъати” бўйича биринчи ўринга муносиб кўрилган. Ўзбек Давлат драма театрининг бош режиссёри С. Мелиевнинг кўмаги остида дунёга келган ушбу сахна асари ҳам театр репертуарига киритилган спектакллар орасида алоҳида ўрин тутди.

Ижодий жамоа бир зумга ҳам ижоддан, изланишдан тўхтамасдан яна бир қанча сахна асарлари яратиб уларни театр санъатининг ихлосмандларига тақдим этиб келинмоқда.

“Фаррош кампирнинг туши” (Э. Аъзам), “Гумроҳ” (С. Ҳамраев), “Телбаном” (Н. В. Гоголь) ҳамда ёш томошабинлар учун сахналаштирилган “Конфетвойнинг саргузаштлари” (П. Мўмин) ва “Сохта қор қиз” (Д. Масаидов) каби спектакллар шулар жумласидандур.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики ижодий жамоа айнан маълум бир ёшдаги томошабинлар учун эмас, барча ёшдагилар учун сахна асарлар яратишни мақсад қилганлар. Қувонарлиси, улар жанр, мавзу ва ғоя жиҳатидан ҳам бир бирини такрорламайди. Ёки бўлмасам ҳозирги кунда аксарият театр ва кино санъати ихлосмандларининг эътирозига сабаб бўлаётган оилавий можаролар – у, маиший мавзудаги асарлар ҳисобига репертуар бойитишга ҳаракат қилмай балки, кундалик ҳаётимизда дуч келишимиз мумкин бўлган воқеаларни акс эттиришга уринади.

Театр ўз асарлари орқали жамиятимизда мавжуд камчиликлар ва ўз хатоларини тан олмайдиган кимсаларга “кўзгу” тутди. Маълумки, ҳар бир театр репертуарида ота – она ва кексаларни эъзозлаш ҳақидаги спектакллар албатта ўрин эгаллайди. Зеро, бу мавзулар ўлмас ва эскирмайдиган мавзулардан биридир.

Жорий йилни Президентимиз И. А. Каримов томонидан “Кексаларни эъзозлаш” йили деб эълон қилиниши натижасида, юртимиздаги театрлар ушбу мавзуга янада жиддийроқ мурожат қилинишга киришилди.

Театрида сахналаштирилган “Илҳақ” спектаклини ҳам айнан ана шу мақсад йўлида яратилган долзарб мавзудаги спектакллардан бўлди. Ш.

Қаҳҳор қаламига мансуб мазкур асар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” М. Матжонов ғояси асосида яратилган. Режиссёр ўзбек киноси оламида анча тажрибага эга ва бир қанча фильмлари орқали томошабинларга танилиб улгурган маҳоратли режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов.

Асар воқеалари асосан қариялар уйида бўлиб ўтади. Унда аслида боқувчисини йўқотган “Мурувват уйи”даги қарияларнинг қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Ачинарлиси шундаки, асар қаҳрамонлари фарзандларининг беоқибатлиги туфайли, айримлари эса ёшликда босган нотўғри қадамлари натижасида ўзларига шундай қисматни раво кўришган. Асар воқеалари тез – тез кексалар ҳолидан хабар олиб турувчи тадбиркор Баҳромнинг ўзига шу ердан бошпана сўраши билан бошланади. Унинг бу қароридан ҳамма ҳайрон қолади. Наҳотки ўзига тўқ, бир қанча фирмалар эгаси бўлган кишига, “Мурувват уйи”да яшаш мақул кўринди?

Уни бунга нима мажбур қилди? Воқеалар ривожланиб борар экан аста – секин юқоридаги каби саволларингизга жавоб топиб бораверасиз. Зеро, у ерда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли ўз дарди бор. Ҳар бири яқинларининг меҳру мурувватига муштоқ. Спектаклда Ўзбекистон халқ артистлари Э.Носиров, А.Бегматова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ.Арслонов, М.Матчонов, М. Тўхтаева ҳамда Ф. Мелибоева, Г. Ражабова каби театрнинг тажрибали актёр ва актрисалари рол ижро этишган.

Актёрлар ўз қаҳрамони ҳолатини ички изтиробларини ҳис қилган ҳолда ҳарактер яратишга ҳаракат қилган. Буни уларни юз ифодалари ҳамда кўзларидан тўхтовсиз қуйилаётган кўз ёшлари ва овоз оҳанглиридан ҳам кўриш мумкин. Айниқса, актёр ва режиссёр Б. Мирмақсудов томонидан ижро этилган Ақром образи ғоятда табиий кўринишда чиққан. Актёр учун танланган либос ва гримм ҳамда унинг овоз имкониятлари, шунингдек қўл ҳаракатларидан моҳирона фойдалана билгани Ақром образини янада бойитганлиги боис томошабин бир қарашдаёқ унинг қиёфасида кексалик

сабабли соч соқоли оқариб, кўллари қалтираб қолган қарияни кўради.

“Илҳақ” спектакли 2015 йил юртимиз бўйлаб ўтказилган “Сени куйлаймиз замондош” кўрик танловида “Кексаларни эъзозлаш йили” га бағишланган энг яхши спектакли мукофотини кўлга киритган. Тарбиявий аҳамияти ғоятда юқори ва юксак савияда яратилган “Илҳақ” спектакли, нафақат томошабинлар учун балки унда иштирок этган актёрларнинг ҳам севимли сахна асрларидан бири ҳисобланади. Кези келганда шунини айтиш керакки, ушбу спектаклда кўтарилган мавзу таъбир жоиз бўлса “эскармайдиган” мавзулардан ҳисобланади.

Ўз ота – онасига ҳурматсизлик қилиб кексалик чоғида уларни ана шундай “Мурувват уй”ларига ташлаб кетаётган фарзандлар минг афсуски ҳали ҳам топилади. Мазкурасар ана шундай кимсаларга “кўзгу” вазифасини ўтаб, ўз қилмишлари ҳақида яна бир бор мушоҳада қилишга мажбур этади.

Афсуски шу каби долзарб масалаларни олға сурувчи ва кишига маънавий озуқа беришга қодир бундай спектаклларни ҳар доим ҳам учратавермаймиз. Кўпинча театр ижодкорлари, айниқса режиссёрларнинг эътибори айнан маиший мазмундаги асарларга қаратилиб қолинаётганлиги сабабли, юқоридаги каби жиддий, мушоҳада қилишга ундовчи асарлар четда қолиб кетяпти. Репертуарни бойитиш мақсадида зўрма–зўраки сахналаштирилган айрим спектаклларда эса ғоя тўлақонли равишда очиб берилмайди. Биз юқорида Беҳбудийнинг фикрларини бежизга тилга олиб ўтмадик, зеро театр репертуарига киритилган айрим спектаклларда ҳам талай камчиликлар, қолаверса асар ғоясини очишда сезиларли етишмовчиликлар борлигини назардан қочириб бўлмайди.

Масалан, маҳоратли ёзувчи Зулфия Қуролбой қизи ижодига мансуб ҳикоя асосида, режиссёр Сайфиддин Мелиев талқини билан сахналаштирилган “Аёл” спектакли ҳақида ҳам юқоридагидек фикр билдириш мумкин.

II-БОБ

Янги талқинлар ва театрда мавжуд муаммолар хусусида

2.1. Эски мавзуларнинг янгича талқинлари

Санъат бўстонида шундай асарлар борки, бундай санъат дурдоналарини қайта – қайта тинглагингиз ёки такрор ва такрор томоша қилгингиз

келаверади. Театр санъатида ҳам шундай спектакллар борки, уларга бўлган қизиқиш томошабинлар учун ҳам театр ижодкорлари учун ҳам ҳамиша юқори бўлган.

Жаҳон классик драматурглари В.Шекспир, Н.В. Гогол, К.Готци, Еврепид каби кўплаб ижодкорларнинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Ўзбек Давлат драма театри саҳнасида ҳам юқоридаги каби кўплаб чет эл намоёндаларининг сара асарлари саҳналаштирилган бўлиб, уларни кўпчилиги ҳозир ҳам театр репетицаридан қайта – қайта ўрин эгалаб келмоқда. Театрнинг яқин беш йиллик фаолияти давомида ҳам асрлардан асрларга ўтиб келаётган жаҳон театр санъати ва адабиёти дурдоналарига қилинган мурожаатини кузатиш мумкин.

“Номи ўчсин” (Г. Горин), “Нўхат устидаги малика”(Г.К.Андерсен), “Кўкга учган орзулар” (Жон Стейнберг), “Зубайда”(К.Готци), “Мамаша Кураш” (Б.Брехт), “Евгений Онегин” (А.С.Пушкин), “Телбаном” (Н.В.Гоголь) каби асарларда ўзбек халқи характери ва турмуш тарзига яқин ҳолда саҳналаштирилган. Улар орасида қадимги юнон драматургиясининг йирик вакили Еврепиднинг “Медея” трагедияси театр фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўринда асар воқеалари “Аргонавтлар” афсонасидан олинган бўлиб, унда бир қанча юнон жангчилари олтин қўчқор терисини олиб келиш мақсадида “Арго” кемасида узоқ Колхидага қараб йўлга чиқади. Оғир ва машаққатли йўл ҳамда сон – саноксиз хавф – хатарларни енгиб ўтгач улар ниҳоят манзилга етиб борадилар. Бу ерда подшоҳ Этнинг қизи, қуёш маъбуди Гемоснинг набираси сеҳиргар Медея Аргонавтлар сардори Ясонни севиб қолади ва унга олтин терини қўлга киритишида яқиндан ёрдам беради. Онасидан афсунгарлик сирларини ўрганган Медеянинг Ясон учун тайёрлаб берган мўъжизакор суртма малҳами уни қудрати ва ўтда ёнмас баҳодирга айлантиради. Медеянинг афсун ўқиши натижасида қўриқлаётган бахайбат илон қаттиқ уйқуга кетиб, Ясон олтин терини қўлга киритишга мувоффақ

бўлади. Шундан сўнг келишувга кўра Ясон Медеяга уйланиб уни Юнонистонга олиб кетади. Улар икки фарзандли бўлишади. Аммо, орадан ўн йил вақт ўтгач Ясон Медеяга хиёнат қилади. Яъни у ҳозиргиданда яхшироқ турмушни хохлаб шох Креонтни қизига уйланиб олади.

Ўз умр йўлдошининг хиёнатидан кучли изтироб оғушида қолган Медея қасос ўтида ёниб кундоши ва шох Креонтни захарлаб ўлдиришга мувоффақ бўлади. Сўнг ўзининг қилган жинояти фарзандлари ҳаётига ҳам таҳдид солиши мумкинлигини ҳис қилиб уларни бундай қисматдан холи қилмоқчи бўлади ва яна бир қотилликга қўл уради. Яъни ўз жигаргўшаларини душман қўлида нобуд бўлгандан кўра ўзининг қўлида жон беришларини афзал кўради ва ўз фарзандларининг қотилига айланади.

Инсон қалбини жунбушга келтирадиган кучли сюжетларга эга “Медея” асари шу кунгача жаҳоннинг кўплаб театрларида турлича талқинлар билан сахналаштирилган. С. Мелиевнинг режиссёрлигиостида “Медея” спектаклини ҳам чет давлатларда яратилган талқинлардан қолишмайдиган сахна асарларидан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин бўлади. Спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Йўлдошева ва махоратли актёрлар Д.Масаидов, Ж. Мўминовлар иштирок этганлар. Шунингдек оммавий сахналарда театрнинг ёш ва умидли актёрлари иштирок этишган. “Спектаклни бошидан охиригача қизил чизик бўлиб ўтадиган фикр, ғоя ва мантиқ замирида оналик, аёллик ва инсонийлик ғурури – ю, иззат нафси топталган Медея (артист Гулбахор Йўлдошева) нинг исёни мужассам”¹⁴

Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, Медея хўрланган мухаббат ва рашк фожиаси ҳисобланади. Еврепид буларнинг барини Медеянинг дарду аламлари, нафрат ва ғазабларида кўрсатиб берган. У ҳар қандай вазиятда ҳам меҳру мухаббатга мухтож аёл, она сифатида кўради.

¹⁴Қурбон. Б Медиянинг янги талқини. Моҳият, 2010йил 23 июл

У ҳеч қачон фарзандларини бундай аянчли ўлим топишларини истамайди. Аммо, олдида бошқа йўл ҳам йўқ. Чунки, Медея қилган жинояти учун фарзандлари ҳам жабрланишини жуда яхши биларди ва шунинг учун уларни душман қўлида эмас, ўзининг қўлларида жон беришини маъқул кўрди. Аммо, аниқ — ки унга бу ишни бажариш осон бўлмайди. Бир ёнда оналик меҳри, яна бир тарафдан қасос эҳтирослари ўртасида кечаётган шиддатли ғалаён Медеянинг юрагини тилка пора қила бошлайди;

Керакмас, қўй дилим!

Бундай қилмагин!

Болаларга омон бер, ўлдирма, ачин!

Улардан айрилиб хижронда буткул,

Узоқдан бўлса ҳам севмаклик ширин....

Шу сўзлар оғзидан чиқар чиқмас Медеянинг қалбини ёндираётган қасос алами янада жунбўшга келиб, уни юрагини тўлдириб турган оналик меҳрини устидан ғолиб келади — ю, ханжар тутган қўлларини кўкга кўтарганча нидо қила бошлайди;

Йўқ, асло йўқ!

Охират кучларин ўртага қўйиб,

Жаханнам номидан онт ичаман-ки,

Болаларим тушмас душман қўлига.

Модомики ўлим экан муқаррар,

Ўзим туғдим, ўзим этаман қатл!

Медея қиёфасида нола қилаётган актриса Г. Йўлдошева ундай дейди — ю, ерда ётган икки фарзандини сўнгги бор эркалаш учун қўлига олади;

Эвоҳ оғушингиз бунчалар ширин!?

Бунчалар момиқсиз жон болаларим.

Жоним ором олар нафасингиздан,

Қочинг тезроқ ҳеч тўхтамасдан,

Ҳайхот юрагимда қолмади кучим...

Бир – бирига зид севги ва қасос каби туйғуларнинг бу тариқа кескин курашларини тасвирлаш орқали инсониятнинг рухий дунёсини очиш, Еврепиднинг трагедия санъатига киритган биринчи янгилиги ва улуғ кашфиёти сифатида тилга олинади.

Ўз навбатида бундай оғир ва фожиавий образни яратиш ҳар қандай актрисага ҳам насиб қилавермайди. Спектакл сўнгида Медеяни фарзандларининг жонсиз танасини тобут кўринишидаги оппоқ чойшаб устига ётқизиш сахнасини беихтиёр қалбларни ларзага келтириб, кўзларда ёш пайдо бўлади. Спектаклнинг таъсир кучи ҳам шунда ёрқин кўринади.

“Режиссёр С.Мелиев Еврепиднинг “Медея”сини гоё ва мазмунига путур етказмаган ҳолда ўз қаҳрамонинияратади. Асарда Медеянинг икки фарзанди ўн – ўн беш ёшларда бўлса, С.Мелиев уларни норасида гўдак кўринишида талқин этгани ўйлайман – ки театр назарётчилари учун кутилмаган янгилик ва режиссёрнинг тасаввур доираси кенглигидан далолат беради Ана шу ечим спектаклдаги драматизмни кучайтириб беришга хизмат қилган.”¹⁵

Асарда инсон қабул қилиши қийин бўлган ҳолатлар жуда кўп. Аввалига жонидан ортиқ кўрган Ясони учун ҳар қандай юмушга тайёр туриб уни ўлимдан сақлаб қолган Медея, унинг хиёнатини кечира олмай Ясонга бир умр хор – у зорликда, фарзанд доғи билан ўтишдек қисматни раво кўради. Медея роли ижрочиси Г.Йўлдошева мазкур спектакл ва яратган образи хусусидда шундай дейди; Дарҳақиқат спектаклнинг сўнгги сахналарини “ҳазм қилиш” ижрочига ҳам, томошабинга ҳам осон эмас. Хиёнат аламига чидолмай, бутун вужудини дахшатли нафрат хиси чулғаб олган Медеянинг телбаларча жиноятга қўл уруши ақл бовар қилмас ходиса эканлиги рост. Хиёнат туфайли мухаббат малаги интиқом соҳибасига айланади. Жонидан ортиқ кўрган фарзандларини нобуд қилиб, хиёнаткор эрини хору – зорликда

¹⁵ Абдурасулов. Ш Интиқом соҳибаси. Театр 2010. 4- сон

ўтишига сабаб бўлади. Энг дахшатлиси, Медея бу қилмишларини ақл – хушдан айрилгани учун содир этгани йўқ. У бу ишни режа асосида, онгли равишда амалга оширди.

Табиий – ки, спектакл сахналаштирилган вақтларда айнан шу сахналарга эътирозлар кўп бўлган. “Биз болажон халқ бўлсак, бу асарни ўзбек томошабинига қандай кўрсатамиз?” дегувчилар кўп эди. Бир қарашда уларнинг бу фикрлари ҳам асосли кўринади. Ахир бизнинг шарқона қарашларимизда “Она билан бола, гул билан лола” деган гаплар бежизга айтилмаган. Аслида, Медеянинг телбаларча хатти – ҳаракатлари ақлли инсонга хос эмас. Ҳар гал спектаклда Медеянинг ана шу дахшатли қилмишига имкон қадар урғу бермасликга уринаман” 16

Актрисанинг юқоридаги сўзларидан ҳам кўриниб турибди – ки ушбу образни яратиш ундан анчагина машаққатни талаб этган, у юнон маликаси Медеянинг орзу – армонлари ва қалб кечинмаларини юракдан хис қилган ҳолда унинг сахнавий талқинини яратишга уринган. Аммо, у шунчаки рол ижро этибгина қолмай ўзининг қайсидир хатти – ҳаракати орқали Медеянинг қилмишига нисбатан ўз муносабатини билдириб кетишга урунган.

Одатда маълум бир спектакл ҳақида сўз кетар экан, албатта унинг сахна беағи ва асар қахрамонлари учун танланган гримм ва сахна либослари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Зеро, спектакл таъсирчанлигини ошириб уни томошабин юрагига янада чуқурроқ кириб боришида ушбу унсурлар ғоятда муҳим рол ўйнайди. “Медея” спектакли учун яратилган сахна безаклари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, режиссёр ва рассом унга бироз ноодатий услубда ёндошган. Яъни асарда юнон маликаси ва унинг саройидаги воқеалар баён қилинган бўлсада, сахна беағида ўта серхашамликга урғу берилмай бироз соддароқ кўриниш

16Қурбонов. Б. Медеянинг янги талқини. Моҳият 2010 й 23 июл

акс эттирилган. Асарни орқали махобатли қаср ва дабдабали устунлар ўрнига рамзий маънога эга реквизит – сахна жихозларидан кенг фойдаланилган. Бу ҳолат асарнинг бадиий яхлитлигига путур етказмайди.

Соҳа мутахассисларидан бири Б.Қурбон шундай фикр билдирадилар;

“Кўпинча тарихий мавзудаги спектакл деганда, сахна беағи сифатида улкан ва махобатли қаср, баланд устунлар ва дабдабали иншоотлар кўз олдимизга келади. (Айниқса юнон драматургияси борасида).

Спектакл режиссёри Мейрхольднинг “Декорациясиз ҳам спектакл ўйнаш мумкин, аммо актёрларсиз мумкин эмас” деган ибратомуз ўғитидан келиб чиқган ҳолда иш тутиб, ўзига хос мутлоқо янгича ечим топган. Зеро, ҳар қандай томошабин учун воқеанинг қаерда содир бўлаётганидан кўра, унинг мазмун моҳияти муҳимдир”.

Медеяни фарзандларига алла айтиш сахнаси эса спектаклнинг энг таъсирли сахналаридан бири ҳисобланади. Режиссёр С.Мелиев Медея образида юзага келувчи трагик коллизияни ўзгачароқ сахнавий ечимини топишга урунган. У сахнани турли рангдаги мато парчалари билан тўлдириб, рамзий маънодаги мато парчалари орқали Медеянинг қалб изтиробларини кўрсатишга эришган. Гўё – ки унинг қалби мана шу мато парчалари сингари бутлаб бўлмас бўлақларга айланган.

Яна бир ифода; Воқеалари давомида мато парчаларининг асар қахрамонлар томонидан беътибор оёқ ости қилиниши Медеянинг топталган муҳаббатига қиёслаш мумкин. Бу аёвсиз парчаланган, топталган муҳаббат энди чексиз нафрат кўринишини олганлигини акс эттиради. Режиссёрнинг яна бир янгилиги сўқир қўшиқчилар ролини киритилиши спектакл таъсир кучини оширишга интилган. Улар спектакл воқеаларига аралашмай, фақатгина ўринли сахналарда асар воқеаларини ўзига хос боғловчиси вазифасини ўтайди. Айтганқўшиқлар мумтоз йўналишда бўлиб, айна дам драматик коллизия пафосини оширишга хизмат қилиб оммавийликни ушлаб турган. Шу билан бирга мазкур қўшиқлар Медеянинг

қалб изтиробларини очиб беришда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Спектакл қисқа, бадиий яхлит ҳолда намоиш этилган бўлиб, бунинг бугунги кун томошабинлари ҳоҳиши ва нуқтаи назари билан ёндашганлиги билан изохлашимиз мумкин.

Режиссёр трагедияга яна бир қўшимча эффект, ўзбек миллий чолғу асбоблари хусусан доирани киритган бўлиб, унинг бу янгилигини томошабин қалбига янада чуқурроқ кириб бориш мақсадида амалга оширилган.

умуман олганда спектаклда трагедия ўз қонун қоидаларини сақлаган ҳолда тўлиқифодасини топган. Спектаклда айрим эътироз уйғотувчи ҳолатлар мавжудлигига қарамай у трагизм пафоси ривожланишига у қадар сезиларли таъсир кўрсатмаган. Демак режиссёрнинг жаҳон классикасига бўлган бу сафарги мурожаати анчагина ўзини оқлаган.

Дарҳақиқат, бундай трагедиялар инсон қалби ҳамда руҳиятини тозалаш билан бирга муҳим тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан ҳам диққатга сазовордир. Режиссёр С.Мелиев томонидан сахналаштирилган “Медея” спектакли фақатгина режиссёрни эмас, балки унда иштирок этган актёрлар ижодида ҳам тубдан бурулиш ясай олди. Бош рол ижроچиси Г.Йўлдошева ҳам мазкур спектаклдаги иштироки орқали яна бир бор кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

“Италияда театрлар ёпилиб қолмас экан, бадиҳа комедияси ҳеч қачон йўқолмайди ва унинг инқилоблари ҳам йўқ бўлмайди. Мен бадиҳа комедиясини Италиянинг шон шухрати деб биламан ва уни ёзма, уйдирма пьесалардан фарқланувчи кўнгил хуши деб ҳисоблайман”¹⁷ – деган эди К.Готци.

Италия кўчаларида намоиш қилинган комедия дель арте – ниқоблар театри асосан бадиҳагўйлик яъни импровизацияга асосланганлиги боис,

¹⁷Абдумалекова. 3 Зубайда. Театр, 2012 6 -сони

“бадихагўйлик театри” ёки “бадиха комедияси” деб аталган. У Италия уйғониш даври яъни XVII– асрнинг ўрталарида вужудга келган. Комедия дель арте кўча томошалари ва карнаваллардан пайдо бўлган бўлиб, унинг қахрамонлари қандайдир ижтимоий образларни тасвирлаган. Уни бошқа театрлардан фарли жихати шунда – ки, унда пьесалардан умуман фойдаланилмаган. Сценарийлар эса асосан спектакл давомида, жонли тарзда тўқиб, тўлдириб чиқилган воқеалардан тузилган бўлади. Қолаверса бу томошалар томошабинларнинг кўплигига қараб ижро қилинган. Айнан ана шундай импровизация услубида ишлаш, комедияларни янада профессионаллашувига олиб келди. Бунда биринчи навбатда томоша давомида актёрни шеригига яъни ёнидаги партнёрига нисбатан эътиборини янада кучайишига сабаб бўлади. Чунки, агар актёр томоша давомида шеригининг сўзларини диққат билан тингламаса, унга муносиб жавоб қайтариб, воқеалар ривожини давом эттиролмаслиги аниқ.

Комедия дель арте шундай қизиқарли унсурлари билан ҳам омма томонидан севиб қарши олинган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим – ки, бундай театр актёрлари учун танланган ниқоблар уларга умрбод бириктирилган.

Роллар эса қаттиққўллик билан чегараланганлигига қарамай, кўп холларда томоша давомида чегарадан чиқилган ва воқеалар янада ривожланиб бораверган. Ниқоблар театридаги ниқоблар сони юздан ошиқ бўлса – да, уларнинг аксарияти бир – бирининг қиёфадоши бўлган.

Ушбу театр жахон театр саъатига ҳам сезиларли таъсир қилган бўлиб, унинг таъсирларини XX – асрда ижод қилган драматурглар Молер, К.Галдони ва К.Готци ижодларида ҳам учратишимиз мумкин. Комедия дель арте театрларининг айрим кўринишлари бугунги кунгача сақланиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбек Давлат драма театрида ҳам айнан ниқоблар театрининг Карло Готци асос солган “фьяба” жанрига мансуб

С.Мелиевсаҳналаштирган “Зубайда” спектакли бу йўналишдаги самарали изланишлар бўлди.

Мазкур сахна асари ўзининг бошқа спектакллардан қолишмайдиган қизиқарли сюжети ва ноодатий кўринишлари билан дархол эътиборли. Спектаклдаги асосий ролларни Н.Тошматова, Ф.Мухторов, Н.Раимбекова, Т. Мирмақсудова ва Г.Файзиевалар турлича характерларни ижро этган. Спектакл учун танланган кўшиқ ва мусиқалар воқеалар ривожига ва қахрамонлар характерини очишда муҳим аҳамият касб этади. Спектакл бадиий яхлитлигини таъминлаш учун фойдаланилган чироқ, турли шовқин ва махсус эффектлар ҳам ўринли қўлланган. Режиссёр С.Мелиев томоша рухиятини очишда либос ва сахна жихозларидан унумли фойдаланган.

Режиссёр ўз ишига маъсулиятли тарзда ёндашиб, сахнага олиб чиқаётган спектаклининг ҳар бир элементини ғоятда синчиковлик билан танлашга ҳаракат қилган.

Мазкур “Зубайда” асарини саҳналаштиришда режиссёрдан анчагина машаққатли меҳнат талаб этганлиги воқеаларни ривожига кўзга ташланиб туради. Спектаклда қадимги Италия рухияти ва ўша давр комедия дель арте театрига хос либос ва гриммлардан кенг фойдаланилган. Кўпроқ карнавал либосларини ёдга солувчи костюмлар ҳамда турли ранглардан фойдаланилган холда актёрлар юзига чизилган ниқоблар қахрамонлар характерини очишга ҳам хизмат қилган.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз севгисини ҳимоя қилишга шай, кучли иродали, ўз мақсадлари йўлида курашдан қўрқмайдиган Зубайда (актриса Н.Тошматова), ўта айёр, алдоқчи ва маккорликда тенгсиз, аёлларга суяги йўқ Симбат (актёр Ф.Мухторов), унданда айёр ва пул турганда ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган лўли аёл (актриса Г.Файзиева), Зубайданинг ишонувчан ака – укалари – ю, бири ғийбатчилиги ва хасадгўйлиги билан донг таратган, бири эса самимий, софдил, чаққон ва гапдон эртакчилар (Н.Раимбекова ва Т. Мирмақсудова) лар ўзлари яратаётган қахрамон

ҳолати ва характериға мос либос ва гриммларда қаршингизда намоён бўлади.

Асар гарчанд реал ҳаётдан жуда узоқ воқеалар асосида яратилган бўлсада, уни томошабинга ўз айтар сўзи ва тарбиявий аҳамияти бор. Бу борада соҳа мутахассислари шундай фикр билдиради; “Спектакл воқеалари реалликдан узоқ, лекин асар ўзининг ғоявий тарбиявий аҳамияти, севги ва садоқат, эзгулик, ҳалоллик ва адолат сингари инсоний қадриятлардан сўз очиши билан эътиборга молик”.

Мазкур спектаклда бошқа сахна асарларига нисбатан турли рақс ва мусиқаларга кенг ўрин ажратилган бўлиб, бу ўз навбатида уни янада томошабоп бўлишига замин яратган. Режиссёр С.Мелиев “Зубайда” спектаклида ҳам ўз услубига содиқ қолиб уни ўзбек театри анъаналари билан бойитишга урунган. Балки шу сабабли ҳам уни тўлалигича тушуниб, драматург ва режиссёр мақсади ҳамда асар ғоясини тўғри аниқлаш томошабинга у даражада қийинчилик туғдирмайди.

Спектакл ютуқлари билан бирга баъзи узвий қарашлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, режиссёр Еврепиднинг “Медея”, К. Готцининг “Зубайда” ва А. С. Пушкининг “Евгений Онегин” спектаклларида айнан ўзбек миллий чолғулари ва куй – қўшиқларидан фойдаланилганлигини ҳам икки хил нуқтаи назар орқали баҳолаш мумкин.

Аслида бунга ўзбек миллий мусиқа санъатига бўлган чуқур ҳурмат ва спектаклни янада томошабинбоп бўлиши учун қилинган уриниш сифатида қаралган бўлсада, бу у даражада ўзини оқласа. Тан олиш керакки режиссёр С. Мелиев ўз фаолияти давомида жуда кўп театр фестивалларида қатнашиб уларда намойиш этилган кўплаб спектакллари кўришга муваффақ бўлган. Балки шунинг учун ҳам унинг топилмалари оддий томошабинга бироз мавҳумроқ туюлиши мумкин. Чунки унинг ғоялари реалликдан юқори яъни “сюрреалистик” услубни қамраб олган. Эътибор бериб қаралса, унинг спектаклларида ҳаёлий, қандайдир эртакона топилмаларга кенг ўрин берилган бўлади. Тўғри бу гоҳида ҳаддан ташқари

кўпайиб кетиши ҳам мумкин. Аммо, у танқидни унча хуш кўрмайдиган ижодкорлар сирасига кирганлиги учун кўп ҳолларда бизни эътирозларимизни ҳам этиборсиз қолдиради.

Гарчанд С. Мелиевнинг ҳамма ижодий ишларини ҳам юқори баҳолаб бўлмаса – да у Ўзбек Давлат драма театри репертуарини бойитишда сезиларли изланишлар олиб борди. Авваллари деярли қўл урилмаган турфа жанр ва мавзуларда янгидан – янги спектакллар саҳналаштирди. Шунингдек жаҳон классикасининг нодир намуналари ҳамда замондош драматурглар ижодидан ўрин олган энг сара асарлар унинг изланишлари натижасида янада янги топилмалар билан бойитилиб саҳна юзини кўрди.

“Чодир ҳаёл эртаклари” (Н.Нурмат, Ш. Саъдулла), “Кўкка учган орзулар” (Жон Стейнбек), “Минг йиллик хангома” (С. Ахмад), “Вафодор” (С.Ахмад, Ш. Бошбеков) ва “Фаррош кампирнинг туши” (Э. Аъзам) каби спектакллар шулар жумласидандир.

2.2. Режиссура ва актёрлик санъатидаги ижодий изланишлар. (ютуқ ва муаммолари)

Маълумки саҳна бу не – не олиму уламолар, аллома – ю фузалолар, буюк саркарда, соҳибқиронлар қисмати намоиш этилувчи қадамжо ҳисобланиб, бу ерда жоҳиллар зулмига чек қўйилади. Адолат ва ҳақиқат ҳамиша ғалаба қилиб, ўғри ва муттаҳамлар айёвсизлик билан фош этилади. Унда чин инсоний туйғулар; меҳру мухаббат ва садоқат улуғланади.

Театрнинг мўъжазгина саҳнасида драматург ғояси, режиссёр позицияси ҳамда актёрлар ижроси умумлашади. Айнан мана шу бир бутунликда драматург мақсади, режиссёрлик ечими ва саҳнада рол ижро этаётган актёрларнинг маҳорати намоён бўлиб, томошабин қалбини маънавият ва маърифат нурлари билан чароғон этувчи саҳна асарлар дунёга келади.

Айтишимиз мумкин-ки ҳозир ҳам изланишлар айна авжида. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар самараси ўлароқ ижодий гуруҳ йил бошиданоқ яна бтр қанча спектакллари томошабинлар ҳукмига ҳавола қилишга улгурди. Хусусан, “Сохта қор қиз”(Д, Масаидов),”Бевафо якан” (А. Жамол) сатирик комедияси каби сахна асарлари шулар жумласидандир.

Қолаверса, айна кунда умидли режиссёрлар Д. Масаидов ва Ғ, Мардоновларнинг ижодий изланишлари натижасида иккита тарихий спектакл устида иш олиб борилмоқда.

Уларнинг бири улуғ шоир Алишер Навоийнинг “Сабаъи сайёра” асари бўлиб, мазкур спектакл театрнинг ёш ва умидли режиссёрларидан бўлган Ғ,Мардонов томонидан сахналаштирилмоқда. Тақдимоти кутилаётган иккинчи сахна асари эса истеъдодли актёр ва режиссёр Д. Масаидов асари асосида сахналаштирилаётган “Буюк ҳалоскор” спектакли ҳисобланади. Улуғ саркарда Амир Темур ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар асосида яратилаётган мазкур сахна асарининг бош қаҳрамони ҳисобланмуш Темурбек образи, айнан ушбу спектакл режиссёри Д. Масаидов томонидан ижро этилиши кутилмоқда.

“Буюк ҳалоскор” спектакли ушбу зот ҳақида аввал яратилган асарлардан тубдан фарқ қилиб, бунинг биринчи сабаби уни айнан Амир Темур ҳаётида бўлиб ўтган реал воқеалар асосида яратилаётганлигида бўлса, иккинчи сабаби унинг бош қаҳрамони асосан спектакл режиссёри ва бевосита асар муллифи Д, Масаидов тасаввуридаги Амир Темур қиёфасида намоён бўлишидадур.

Ҳар икки спектаклнинг репититция жараёнлари жорий йилнинг апрель ойидан бошланган бўлиб, ҳозирда спектакл тақдимотига тайёргарлик ишлари янада қизғин тус олган. Қувонарлиси шундаки, театрда айниқса ёш ижодкорларга бўлган эътибор ғоятда юқори.

“Театримиз ёшларини ўз касбига бўлган иштиёқлари жуда баланд - дейди театрнинг тажрибали актёрларидан Д.Масаидов. Бирор бир янги

пьесани сахналаштириш мақсадида иш бошлар, эканмиз роллар доим талаш бўлиб кетади. Бизни театрда ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятларни ҳам чеку чегараси йўқ. Масалан, яқинда айнан ўзимиз ижод қилиб келаётган театр миқёсида “Тасанно” мукофотини таъсис этдик. Бу мукофотни ўзига хослиги шундаки, у фақатгина ёш актёр ва актрисаларларга топширилди. Биз шу йўл орқали уларни санъатига бўлган эътиборимиз ҳамда келажжақда улуғ устозларимиз каби етук ва маҳоратли санъаткор бўлишларига ишонч билдиришимизни ифодаламоқчи бўлдик. “Қилаётган меҳнатингизни қадирлаб биз сизга ушбу мукофотни топшираяпмиз. Насиб қилса эртага бугунги меҳнатларингиз, изланишларингиз ўз натижасини бериб, давлатимиз томонидан таъсис этилган бунданда юксак мукофотларни қўлга киритасиз. Бу мукофот ҳозирча сиз учун кичик бир рағбатлантириш холос” – демоқчи бўлдик.” Театрнинг ижодий фаолияти давомида ҳам бир қанча муаммолар кўзга ташланади.

Энг аввало режиссура масаласи. Минг афсуски айни кунда театрда бош режиссёр штати бўш. Ўтган йиллар мобайнида мазкур вазифани бажариб келган С. Мелиев ҳам театрни тарк этган бўлиб, ҳозир вилоят театрлари бўйлаб ижодий сафарда. Бу эса тан олмай иложимиз йўқки, театрда давом этаётган ижодий жараёнларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Қолаверса яна бир муммо-сахна безаги ва реквизит яъни сахна жиҳозлари хусусида. Тўғри ижодий жамоа ҳар бир спектакл учун ўз имкониятларидан келиб чиқган ҳолда сахнани жиҳозлашга урунади. Аммо, аксарият спектакллар учун танланган декорацияларни талаб даражасида деб бўлмайди. Бир томондан олиб қарайдиган бўлсак, яхши декорациясиз ҳам, бадий жихатдан юксак савияда яратилган яхши спектакл қўйиш мумкин. Аммо, театр санъати қоидаларига кўра сахна асар мазмунини бойитишда декорация ва сценографик унсурлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Қолаверса томошабин айнан сахна декорацияси ва унда жойлашган шартли белгилар орқали, сахнада юз бераётган воқеалар оқимида янада чуқурроқ

кириб бориши ҳамда шу орқали сахнада хикоя қилинаётган воқеалар қаерда ва қандай муҳитда юз бераётганини чуқурроқ англашга эришади.

Маълумки, театр қонуниятларига кўра сахнада осилиб турган милтиқ спектакл сўнгигача албатта отилиши шарт. Аммо, Ўзбек Давлат драма театри репертуарига киритилган спектаклларда негадур ҳар доим ҳам бу қонуниятга амал қилинаверилмайди. Кўп ҳолларда сахнадаги нотўғри қурилган сахна безаклари хатто. Актёрларни эркин ҳаракатланишига ҳам имкон бермаганини учратишимиз мумкин. Масалан; “Мувозанат”, “Аёл” каби яна кўплаб спектакллар учун қурилган декорацияларда шундай ҳолат кузатилган. Айниқса “Аёл” спектаклида бу янада яққол намоён бўлади.

Тўғри, балки ушбу спектакл режиссёри С. Мелиев сахнадаги оқ матолар орқали қандайдир фалсафий фикрни ифодда этмоқчи бўлгандур. Аммо унинг бу уруниши мазкур спектаклда у даражада ўзини оқламаган.

Энди сахна жихозлари, яъни реквизитлар хусусидаги фикримизга қайтадиган бўлсак, бу ерда ҳам талай муаммоли ҳолатларга дуч келамиз. Театрнинг мавжуд имкониятлари шуни тақозо этганлиги сабабли, сахна одатда бирор бир спектакл бошланмасидан олдин айнан намоёиш этилиши керак бўлган спектаклга мос равишда жихозлаб қўйилади.

Мисол учун драматург С. Ҳамраев асари асосида ёш ва умидли режиссёр Ғ. Мардонов томонидан сахналаштирилган “Гумрох” спектакли мисолида қарайдиган бўлсак. Тўрида рестораннинг алоҳида, кичик хоналаридан бирини эслатувчи кўриниш ва шунга мос жихозлар жойлаштирилган. Иккита кичикроқ стул ва ойнали стол. Саҳнани ўнг томонида машҳур тижоратчи Рустамбой яъни йигитнинг уйи бўлиб, унда 1та пастрок стол ва 2 та юмшоқ ўриндиқ жойлаштирилган. Саҳнани чап тарафида эса қизнинг уйи. Унда 1та ётоқ, устида тунчирок турган кичикроқ жавон ва ёнида кичкин курси.

Шу ўринда шартли бир эътироз туғилади. Режиссёр сахна кўринишарини ўзгартириш учун кетадиган вақтни ҳисобга олиб уни бирданига жихозлаб қўйганини тўғр тушуниш мумкиндир. Аммо, нахотки оддийгина йўл, яъни сахна чироқларини ўчириб қўйиш орқали айнаи дамда юз бераётган эпизод учун зарур бўлмаган бурчакларни бироз бўлсада, яширишни иложи бўлмаса? Ахир шунчаки, чироқларни керакли нуқтага йўналтириш орқали томошабин фикрини бир ерга жамлаш қийин эмаску. Қолаверса, ўрни келганда айтиб этишимиз мумкин – ки, айнан шу спектаклда қахрамонларни бўлар бўлмасга, тез – тез кийим алмаштириб чиқишлари ҳам томошабинни зерикишига сабаб бўлган.

Реквизит масаласидаги фикримизга қайтадиган бўлсак, на беҳисоб бойлик эгаси ҳисобланмуш Рустамбой яъни йигитнинг уйида, на ресторанни эслатувчи бурчак ва на қахрамон қизнинг уйида биронта жиҳозга кўзингиз тушмайди. Нахотки, театрда сунъий биронта гулми ёки ҳеч бўлмаса сахна беазаги учун хизмат қилиши мумкин бўлган биронта сунъий дарахтни топишни имкони бўлмаса?! Ахир булар шунчаки, безак бўлибгина қолмай спектакл воқеалари юз бераётган муҳитни янада табиий кўринишда бўлишига ва янада ҳаётий чиқишига ҳам сабаб бўлиши аниқ – ку! Тан олмай иложимиз йўқ – ки, театрнинг моддий ахволини у даражада яхши деб бўлмайди. Шу сабабли ҳам бор айбни режиссёрдан излаш балки тўғри ҳам эмасдир.

Аммо, театрда мавжуд реквизитлардан фойдаланиб ҳам сахнани кўнгилдагидек безатса бўлади. Фақатгина бироз ўзгача ижодий ёндашув ва режиссёр ҳамда рассомнинг ҳар тарафлама пухта ўйланган позицияси талаб этилади холос. Театрда намоиш этилаётган спектакллардаги қахрамонлар либосларини ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Хатто уларни кўпчилигини спектаклдан спектаклга ўтиб юрувчи либослар дейишимиз ҳам мумкин. Аммо, театрнинг моддий ахволини назардан қочирмаган ҳолда бу хусусда кўп гапиришни лозим топмадик.

Ўзбек Давлат драма театрининг ижодий фаолияти билан танишиш давомида яна бир ҳолат диққатимизни тортди. Яъни театрнинг яқин беш йиллик фаолияти давомида биронта ҳам тарихий спектакл сахналаштирилмаган. Бу жараёни Д, Масаидов шундай баҳолайди.

“ Одатда ҳар бир режиссёр тарихий мазмундаги асарга қўл уришга чўчийди. Ҳоҳ у кинода бўлсин, ҳоҳ театрда барибир тарихий асар яратиш режиссёрдан ўзгача маъсулият талаб этади. Чунки, оддий асар бўлса сиз шунчаки, “режиссёр спектаклни мана беу ерига эътибор бермабди – я , деб қўйишингиз мумкин. Аммо, тарихий асарда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Сабаби, тарихий асар томоша қилишга келган томошабин тарихни билмаслиги мумкин эмас. Қолаверса китоб ўқиган, тарихни билган томошабинни сахнада қўйилаётган асар юзасидан ўзининг шахсий фикри бўлади. Шу сабабли ҳам уни режиссёрни ижодий ёндашуви ва расом қалами билан юзага келган сахна кўринишларга нисбатан ўзининг ижобий ёки салбий фикрлари хаттоки эътирозлари ҳам бўлиши мумкин. Қолаверса, айрим театршунос ва киношуносларнинг ноўрин танқидлари ҳам бунга сабаб бўллиши мумкин. Аввалги танқидчилар табир жоиз бўлса, оммавий сахналарда иштирок этаётган актёрларни ҳам назардан қочирмас эдилар. Ҳозир эса бошқача. Агар танқид асосли бўлса, режиссёр сифатида ҳам актёр сифатида ҳам бунга эътирозим йўқ. Аммо, ҳозирги танқидчилар масалага фақатгина ўзларининг нуқтаи назарлари билан қараши ва ўз танқидларини асослаб бера олмасликлари мени хафа қилади”¹⁸.

Режиссёр Д, Масаидовнинг юқоридаги фикрлари ҳам қайсидир тарафлама ўринлидир, аммо ушбу муаммонинг туб илдизини фақатгина танқидчиларнинг асоссиз танқидан излаш ҳам нотўғри. Чунки ҳозирги кунимизга келиб нафақат Ўзбек давлат драма театри, балки пойтахтимиздаги бошқа театрларнинг репертуарида ҳам тарихий мавзудаги спектакллар

¹⁸Масаидов. Д билан суҳбат 2016 йил 12 март

камлиги ғоятда ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Фақатгина улуғ шоирларимиз Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурларнинг таваллуд топган кунлари арафасида ушбу зотлар ҳаёти ва ижодига бағишланган спектакллар намоиш этилиб, бошқа вақтларда бундай мазмундаги сахна асарларини учрамаслиги ҳозирги кунимизга келиб оддий ҳолга айланиб улгурган эди. Аммо, жорий йилдан бошлаб бу ҳолга чек қўйилиб, юртимиз театрларида тарихий асарларга бўлган эътибор сезиларли даражада ўсди.

Театр сахнасида бир вақтнинг ўзида икки тарихий спектакл устида иш олиб борилишини ҳам бу муаммони ҳал қилиш учун қўйилган қадам сифатида баҳолашимиз мумкин.

Режиссёр С. Мелиев ижоди мисолида олиб қарайдиган бўлсак, у ўз ижоди давомида роман ва хикоялардан кенг фойдаланганди. Масалан, У.Хамдамнинг шу номли романи асосида сахналаштирилган “Мувозанат”, С. Ахмаднинг “Қора кўз Мажнун” хикояси асосида яратилган “Вафодор”, З. Қуролбой қизининг хикоялари асосида дунёга келган “Аёл”, шунингдек драматург А. Йўлдошев асари асосида сахна юзини кўрган “Даҳо” спектаклларини сўзимиз исботи сифатида кўтириб ўтишимиз мумкин. Бунда воқеалар асосан спектаклнинг бош қаҳрамони тилидан баён қилиб борилади.

“Биз ижодкорлар ёки ижодкорликни даъво қилган ҳар бир шахс ҳар бир сахна асарини (театрда ёки кинода) эзгу ният билан яратмоғимиз зарур Албатта, бундай эзгу ният кўпчилик ижодкорларимизда йўқ эмас. Лекин, унумли ишлашимизга бизга нима тўсқинлик қилмоқда ёки бугунги ижодкорларга истеъдод етишмаяптими?

Кўп йиллардан бери режиссёрларимиз “яхши асар йўқ” деса, драматургларимиз “яхши режиссёр йўқ” деб келишади. Бу тортишув эса муаммони ҳеч қачон ҳал қилмайди ва қилмаган ҳам. Менимча ҳар бир сахна асарининг пойдеворини –яхши, кучли драматургия белгилаб келган. Кино ва театр санъатининг даражасини доимо драматургия белгилаб келган.

Адабиётда эса Яхши драматургия энг қийин жанр ҳисобланади.

Дарҳақиқат, драматургия масаласи ҳам, сир эмаски ҳозирги кунимизга келиб режиссёрлар олдида турган энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Зеро, томошабинни театрға бўлган қизиқиши айнан унинг сахнасида қўйилаётган спектакллар мавзуси ва савиясига боғлиқдир. Яхши асар томошабинга фақатгина маънавий озуқа берибгина қолмай, унинг қайсидур муаммоларига ечим топишида ҳам яқиндан ёрдам бериши ва кези келганда унга ўз камчиликларини кўрсатиб беришга ҳам қодир бўлиши керак.

Машҳур театр арбобларидан бири айтиб ўтганидек, томошабин театрға шунчаки насиҳат эшитиш учун келмайди. Демак, драматург ва режиссёр янги асарга қўл уришдан олдин уни қай тарзда тақдим этса тўғри бўлиши ва унинг воқеалари реал ҳаётга янада яқин бўлиши хусусида ўйлаб кўриши лозим. Чунки, инсон табиати ҳар хил бўлганидек томошабин талаби ҳам турлича. Кимдир комедия жанридаги спектаклларни хуш кўрса, яна кимnidир трагик ёки драматик мавзудаги сахна асарларга иштиёқи баланд.

Аммо, афсуски ҳозирги кунимизда сахналаштирилаётган ҳамма спектаклларни ҳам томошабин талаби ва режиссура қонун қооидаларига тўғри келади деб бўлмайди. Хаттоки, фақатгина маълум бир глобал муаммо доирасида зўрма – зўраки сахнага олиб чиқилган спектакллр йўқ эмас. Реал ҳаётдан жуда узоқ воқеалар, томошабин кўз ўнгида гоҳ тезлашиб, гоҳида хаддан ошиқча бачкана ва сохта диалогларга уланиб кетиши, кўп ҳолларда томошабинларни спектакл тугамасиданоқ саройни ташлаб чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлаяпти. Ўша томошабин яна қайтиб шу театрға қадам қўйишига эса ҳеч ким гувоҳлик бермайди. Асарда кўтарилаётган мавзу бир четда қолиб керагидан ортиқча, бачкана ва меъдага тегадиган кулгили ҳолатлар ёки хадданда ортиқ шовқин сурон ва йиғи – сиғи билан томошабин эътиборини тортишга ҳаракат қилинган спектакллар ҳам афсуски йўқ эмас. Табиийки бунда юқоридаги фикрда айтиб ўтганимиздек режиссёрларимиз

драматургларни, драматурглар эса режиссёрларни айблашга уринадилар. Буни олдини олишдаги энг тўғри ва ягона йўл эса режиссёр драматурглар ўртасидаги хамкорликдир.

Бу борада Ўзбек Давлат драма театрида сезиларли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Айниқса, бу борада режиссёр С. Мелиевнинг қўллаган услуби тахсинга сазовор. Махоратли ёзувчи У. Хамдамнинг “Мувозанат” номли романи, З. Қуролбой қизининг “Аёл” хикоялари асосида сахналаштирилган спектакллар намоишларидан олдин мазкур ижодкорар билан уюштирилган ижодий учрашувлар сўзимиз исботидир.

Бундай учрашувлар ўз ўрнида томошабинларни мазкур театрдаги ижодий жараёнларга бўлган қизиқишларини ортишига замин яратди. Режиссёр ва драматург ўртасидаги бу каби ижодий хамкорликлар эса, келгусида театр репертуарини янада қизиқарли ва бадиий жихатдан юксак савияда яратилган спектакллар ҳисобига бойиб боришига олиб келиши шубҳасиздир.

“Режиссёрлик мустақил санъат соҳаси. Бинобарин, ўз мақсади, предмети, воситаларига эга. Гарчанд у томоша санъатлари билан бевосита эса – да, Шекспир “Дунё – театр” деганидек, инсон ҳам умр бўйи ўз сажия ва салоҳияти доирасида режиссёрлик билан шуғулланади. Тўғри, режиссёрлик касби кейинги бир, бир ярим аср нари берисида пайдо бўлди, ривожланди, ўз касб қонуниятлари, низом тартиблари, қўлланмаларини жорий этди. Бу унинг номинал кўриниши албатта. Аслида бу санъат инсониятга онгу тафаккур ато этилган замонлардан бери мавжуд. Одам-ки ўз хатти – ҳаракати, юриш – туриши, гапу сўзини бошқарар экан, онгида ҳамиша индивидуал режиссура яшайди. Бу албатта хали ўта ибтидоий ҳолатда. Айтмоқчи, режиссёр сўзи – тушунчасини ўзи француз тилида “бошқарувчи”, лотинчада “бошқараман” маъноларини англатади. Инсоннинг функционал хусусиятлари кенгайгани ва кучайгани сари унинг режиссёрлик

хислатлари ўсиб, такомиллашиб бораверади. Шу боис-ки, замонавий илм – фан бошқарувининг беистесно барча шакллари ни маиший ҳаётдан то сиёсатгача, моддийдан маънавият, санъатгача ҳамма соҳаларидаги фаолиятини режиссёрлик тушунчаси билан боғлайти” 19

Чиндан ҳам режиссура аслида ўта жўн соҳадек кўринса – да, у кишидан тинимсиз меҳнат ва изланишни талаб этади. Сир эмаски, одатда актёр ижодини шаклланишида режиссёрлар ҳам муҳим ўрин тутди. Уларнинг бир қолипга тушиб, маълум бир “амплуа”га тушиб қолишларида ҳам айрим ҳолларда режиссёрларимизнинг актёр ижодига бўлган нотўғри ёндашувлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Актёрга тўғри йўналиш бериб унинг ижодини янада сайқалланишига замин яратиш одатда режиссёрни маҳоратига боғлиқ жараён ҳисобланади. Режиссёр бирор бир пьесани сахналаштирар экан, театрда фаолият юритиб келаётган актёрлар орасидан асар қаҳрамонларининг ёши ва кўринишига мос келадиган актёрлар жамоасини танлаб олади. Бунда у асосан актёрларнинг ижодий имкониятлари ҳамда ижро маҳоратларига алоҳида эътибор беради. Аммо, гоҳида шундай вазиятлар ҳам бўлади – ки, ёш актёрлар ортиқча хаяжон ёки иккиланишлар сабабли берилган ролни кўнгилдагидек чиқариб бера олмайдилар. Табиийки бундай ҳолатларда бор оғирлик яна режиссёрларнинг зиммасига тушади.

“Бирор бир янги пьеса устда иш бошлар эканман, ролларни тақсимлаш жараёнида асосан актёрларнинг ички қобилиятига алоҳида эътибор бераман”, - дейди театрнинг тажрибали актёр ва режиссёрларидан бири бўлмуш Б. Мирмақсудов.

Қолаверса у актёр қайсидир жихати билан мен бермоқчи бўлган ролга мос тушиши керак. Агар актёр ўзига берилган ролни мен истагандай чиқариб бера олса, нур устига аъло нур. Аксинча бўлса, баъзан хатто асарга маълум бир ўзгартиришлар киритишга ҳам тўғри келади. Чунки мен рол

19Мирмақсудов. Б билан суҳбат 2016 йил 14 март

тақсимлаётганимда асосан актёрни ўзидан келиб чиқган холда иш юритаман ва ўрни келганда иложи борица актёрларни ички қобилиятларини очишга ҳаракат қиламан. Мени услубим – ми, йўналишим десам тўғри бўладими билмадим, аммо менинг системам шундан иборат – ки, мен у ёки бу актёрга рол бераётганимда иложи борица унинг ички дунёсини очишга ҳаракат қиламан. Унинг ўзи аслида қандай шахс ва қандай характер ва дунёқарашга эга эканлигига кўпроқ аҳамият бераман. Аксарият холларда улар берилган ролни бир уринишдаёқ чиқариб беришади. Аммо, агар актёрни ўзида мен берган ролни ўйнашга хохиш бўлмаса, унда уни ўзгартиришга ҳам мажбур бўламиз.”

Б.Мирмақсудовнинг ушбу сўзларидан ҳам режиссёрлик санъатининг машаққатларини хис қилишимиз мумкин. Баъзан театрда ижод қилиб ўз махоратини оширган кўпчилик актёрлар, кейинчалик режиссёр сифатида ҳам ўзларини синаб кўришга ҳаракат қиладилар. Актёрларнинг ички ҳолати ва рол устида ишлаш машаққатларини жуда яхши билганликлари учун ҳам бундай режиссёрлар иложи борица уларда мавжуд истеъдодни юзага чиқаришга урунадилар. Истеъдодли ва серкирра ижодкор Б. Мирмақсудовни ҳам айнан ана шундай режиссёрлардан дейишимиз мумкин. Зеро, у ўз фаолияти давомида Ўзбек Давлат драма театри сахнасида сахналиштириб келинаётган кўплаб спектаклларда бир бирига ўхшамаган роллар ижро этибгина қолмай, режиссёр сифатида ҳам анчагина танилиб улгурган истеъдод соҳибларидан биридир. Мисол учун; “Давлат болалари”(Р. Мухаммаджонов), “Чароғбонлар”(Ш.Бошбеков) ҳамда “Бевафо якан”(Алп Жамол) каби яна кўплаб спектакллар унинг режиссёрлик топилмалари билан янада қизиқарли кўринишда театр репертуаридан ўрин эгаллаб келмоқда.

“Баъзан, актёр бирор бир ролни кўнгилдагидек чиқариб бериши учун унга шунчаки ишонч билдиришни ўзи кифоя қилади”,- дейди Б. Мирмақсудов.

“Мен бу қахрамон қиёфасида айнан сени кўраяпман” деганингизни ўзиёқ актёр зиммасига сезиларли масъулият юклаб, ўзига бўлган ишонч хиссини ортишига сабаб бўлади ва у бор имкониятини ишга солган ҳолда берилган ролни кутганингизданда зиёдроқ кўринишда чиқариб беришга интилади. Аммо, яна шундай вазиятлар ҳам бўлади-ки, актёрда пластика ҳамда қобилият кучли бўлса-да, берилган рол моҳиятини тўғри тушуниб қалбан хис қилиши қийин бўлади. Гарчанд у берилган ролни ижро этишни истасада унинг ички ҳолати ва мақсадини тўғри англолмай қолади.

Ўз тажрибамдан келиб чиқган ҳолда шуни айтишим мумкин – ки, актёр берилган ролни ўзида хис қила олса керакли ҳолатга кириши осон бўлиб, ўша қахрамон ҳаёти билан яшай бошлайди. Хаттоки, унинг хатти – ҳаракатлари ва кўз қарашлари ҳам айнан шу ҳолатга мослаша бошлайди. Аммо, боя айтиб ўтганимдек баъзан шундай вазиятлар ҳам бўлади – ки актёр ўз ролини тўғри тушунгандай бўлади – ю, лекин ўша берилган қахрамон ҳолатини хис қила олмайди. Бундай ҳолларда режиссёр ва актёр ўртасида қандайдир кўринмас тўсиқ пайдо бўлиб, актёр режиссёни ўзига яқинлаштирмай қўйиши мумкин. Бундай вақтларда актёрларга кичкина эпизодик ҳолатни кўрсатиб беришингиз биланоқ унинг юрагида нимадур жиз этгандай бўлади-ю, берилган вазифани янада табиий кўринишда, хаттоки ўз топилмалари билан бойитилган кўринишда бажариб беради. Яъни у сиз орқали ўша ролни хис эта бошлайди.

Одатда катта – катта режиссёрлар, масалан устозимиз Б.Йўлдошев ҳам актёрга “Мана бу ролни мана бундай қилиб ижро этасан” деб кўрсатиб бермасликга ҳаракат қилади. Аммо, вазият шу даражага етсагина режиссёр актёрга ёрдам бериш мақсадида кўрсатиб беришга мажбур бўлади. Шунда ҳам тўлалигича эмас, қисман, қайсидир кичкина бир кўринишни кўрсатиб бериши мумкин. Натижада актёр ўша ролни тўлалигича ўзида хис эта бошлайди. Қарабсиз – ки, кейинчалик унинг ўзи устида ишлаб, изланиб

бориши натижасида исталган ҳолатни тезда чиқариб бера оладиган бўлади. Албатта, бу асосан актёрни ўзига боғлиқ ҳолат ҳисобланади.”

Дарҳақиқат, театр санъати актёрдан ўзига нисбатан фидоийликни талаб этади. Балки шунинг учун ҳам унча бунча актёрлар ушбу санъатнинг машаққатларига дош беравермайди. Фақатгина ўз устда тинимсиз ишлаб, изланишдан тўхтамайдиган ижодкорларгина бу номга лойиқ топилади.

“Актёрлик,-дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Арслонов. Бу жуда машаққатли, ҳаддан ташқай фидоийликни талаб қиладиган касб. Масалан, бетоб бўлишинг ёки кайфиятинг яхши бўлмаслиги мумкин. Лекин, сахнага чиқдингми, буларни ҳаммасини унутишим керак. Чунки, театрга келган томошабинни сени аҳволинг билан иши йўқ. У хордиқ чиқариб, санъат билан юзлашгани келган. Шундай экан сен ҳам ўз ролингни астойдил ўйнашинг керак. Санъаткор айниқса театр актёри гоҳида ижодий ишлари билан бўлиб яқинлари ҳолидан хабар оломаслиги мумкин. Лекин, сахнани ташлаб кетолмайди. Бу ҳам бир касаллик бўлса керак балки....”

Актёр Ҳ. Арслоновнинг ушбу гапларига қўшимча равишда театр санъатининг асосчиларидан бўлган К.С.Станиславскийнинг сахна санъатининг чинаккам чўққисини забт этиш учун актёрдан 99% меҳнат ва фақатгина 1% истеъдод талаб этилади деган пурмаъно сўзлари театр ва актёрлар равнақи учун жуда аҳамиятли ҳисобланади.

Дарҳақиқат, қанчалик қобилиятли бўлмасин актёр меҳнат қилишдан изланишдан тўхташи биланок унинг ижоди ҳам ўсишдан тўхтайдди. Бу эса ўз ўрнида у ижод қилиб келаётган театр фаолиятига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ўз касби ва меҳнат қилиб келаётган жамоасига фидоий бўлган Ўзбек Давлат драма театрининг ижодий жамоаси ҳам шунини унутмаган ҳолда изланишда давом этмоқдалар.Зеро, айти кунда ҳам давом этаётган ижодий жараёнлар шунини кўрсатмоқда. Қилинган меҳнат албатта ўз натижасини бермасдан қолмайди.

Бас, шундай экан, бугунги изланишлар театрнинг эртаси учун мисилсиз муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир

Хулоса

Замонавий театр санъатининг олдида турган муҳим масалалардан бири ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлаётган ўзгаришлар қатори янгиликлар яратишдир. Зеро, Мустақиллик даври театр санъати эркин ижодга ундайдиган театр санъатидир. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, янги театр ижодхонасини яратиш, унда замонавий қаҳрамон сиймосини гавдалантириш замон талабидир. Бунинг учун эса ижодий изланиш, ижодий янгиликлар топиш, театр санъатини замон талабларига мос лекин, унинг анъаналаридан чекинмаган ҳолда яхлит санъат механизмини яратиш бугунги кун учун долзарб аҳамият касб этади. Театр замон тараққиёти билан баравар ёки ундан олдин бормас экан, янги йўллارни изламас экан ҳозирги замон шиддатига дош беролмай театр тараққиётдан четда қолиши мумкин.

Қайд этиш керакки, бугун Ўзбектеатр ижодий бирлашмаси томонидан Ўзбекистондаги театрларимиз ўз спектакллари хорижий майдонда ҳам намоиш этиб, халқаро театр фестивалларида фахрли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Фунд Форум томонидан ўтказилаётган “Театр.уз” халқаро театр фестивали эса ўзбек театр ижодкорлари учун тажриба алмашиш, маҳорат ошириш имкониятидир.

Юртимиз театрлари орасида ўз ўрни ва нуфузига эга Ўзбек Давлат драма театри ҳам ўзининг қарийиб 90 йиллик фаолияти давомида халққа хизмат қилишдек вазифадан оғишмай, сидқидилдан фаолият юритиб келмоқда.

Масалан, Ўзбек театр санъатида ўз ўрнига эга, истеъдодли санъаткор Б. Йўлдошевнинг сайъи ҳаракатлари натижасида, Париждаги “Амир Темури” жамғармаси ва Франция элчихоналари ташаббуси билан Ўзбекистонга француз актёри Франсуа Шаттонинг ташриф буюриб, театрда сахналаштирилган “Искандар” спектаклида бош ролни ижро этиши, қолаверса мазкур театр сахнасида америкалик режиссёр Д.Каплан режиссёрлиги остида В.Шекспирнинг “Қирол Лир” спектаклини қўйилишини мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Зеро бундай ҳолат ҳамма театрларда ҳам кузатилавермаслиги барчамизга маълум.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу театрда фаолият юритиб келган кўплаб режиссёрлар ҳам, қардош ва хориж мамлакатларида бир қанча спектакллари сахналаштиришга мувоффақ бўлишган.

Театрнинг 2010 – 2015 йиллар оралиғидаги фаолиятида бу янада яққол кўзга ташланади. Айнан шу давр ичида режиссёр С.Мелиевнинг сайи ҳаракатлари билан Еврепиднинг “Медея”, Б. Брехтнинг “Мамаша Кураж” ҳамда К. Готцининг “Зубайда” спектакллари қайтадан сахналаштирилиб кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди.

Айниқса “Зубайда” спектаклини сахналаштириш чоғида “Комедия дель арте” услубларидан фойдаланилганлиги, ҳам режиссёрнинг, ҳам театрнинг ижодий фаолиятида унутилмас воқеа сифатида из қолдирди.

Бугунги кунда театрга истеъдодли ёшларни жалб этишга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Айни дамда ижодий гуруҳнинг саксон фоизини ёшлар ташкил қилади. Улар билан ишлаш ва кенг имкониятлар яратиб беришда театр раҳбарияти бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Кейинги йилларда театр жамоаси юртимизнинг турли вилоятларига тез – тез сафар уюштириб туришни яхши йўлга қўйиб олган. Бу жараёни театрнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида этироф этиш мумкин. Театр жамоаси жиддий мавзудаги спектакллари билан турли давлат ташкилотлари ва бевосита театрга келиб спектакл кўриш имконияти чегараланган муассасаларда ҳам намоишлар кўрсатиб келишмоқда. Шу билан бирга Тошкент маҳаллалари бўйлаб ҳам амалга оширилиб келинмоқда.

Хозирги даврда ёшларни ҳар хил ёт таъсирлар, “оммавий маданият” хуружларидан сақлашда театрнинг ўрни муҳимлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг: “Театр – тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд – насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрdir” – деган сўзларида айтганларидан ҳам билиб олишимиз мумкинки бу санъатнинг маданиятимиз, миллий онгимизни шакллантиришдаги ўрни беқиёс. Хусусан, Ўзбек давлат драма театри ҳам ёшлар онгини шакллантириш мақсадида самаралари, ижодий ишларни амалга оширмоқда.

Ўз репертуарини янада қизиқарли сахна асарлари билан бойитиб ўз томошабинларини хурсанд қилишни мақсад қилган ижодий жамоа, айтиш кунда ҳам қизғин ижод оғушида.

Умидли ва ёш режиссёрлар Д.Масаидов ва Ғ.Мардоновларнинг режиссёрлиги остида сахналаштирилаётган “Буюк халоскор” ва “Сабъаи сайёра” спектакллари репетиция жараёнлари жорий йилнинг апрел ойидан бошланган бўлиб, ҳозирда ушбу спектакллар тақдиротида тайёргарлик кўрилмақда.

Тан олмай иложимиз йўқ – ки, театрнинг ҳозирги кундаги моддий ахволи пойтахтимиздаги бошқа театрларга қараганда анча ночор ахволда. Бу ҳол эса театр сахнасида намойиш этилаётган спектакллarning мазмунига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти.

Қолаверса мазкур театрға нисбатан эътиборни камлиги боис унинг кўп йиллик фаолияти хусусида ОАВда ҳам биронта маълумотға дуч келмадик. Борларида ҳам театрда фаолият юритиб келаётган у ёки бу актёрлар ҳақида ёки намойиш этилган қайсидир спектакл ҳақида қисқача маълумотларға ўрин ажратилган. Афсуски, театрнинг маълум бир даврини қамраб оладиган тахлилий мақолалар деярли йўқ. Хаттоки, интернет саҳифаларида ҳам мазкур театр фаолиятига оид биронта маълумотға дуч келмадик. Умидли ва ёш режиссёр С. Мелиев ҳақида ҳам ҳеч қайси ОАВ ёки китобларда маълумот берилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтишни истардикки, Ўзбек Давлат драма театри ижодий фаолиятининг ҳали ўрганилиб, қаламға олинмаган муаммоли ва ўрганишға арзигулик жихатлари жуда кўп .

Қолаверса бу ерда фаолият юритиб келаётган истъдодли актёр ва актрисаларнинг кўп йиллик машаққатли ижод йўли айтиш дамда санъат бўстониға қадам қўйиб келаётган ёш санъаткорларға ибрат бўлгулик жихатлари билан эътиборға молик. .

Ўйлаймизки театрда мавжуд муаммолар жуда тез фурсат ичида ўз ечимини топади.

Мазкур театрнинг ўз касбига фидойи ижодкорлари эса яна кўп йиллар мобайнида элимизнинг меҳру мухаббати оғушида ижод қилишларига умид билдириб қоламиз.

Зеро, улуғ адибимиз Ў. Хошимов таъкидлаб ўтганларидек “Катта истеъдод аввало халқ эътиборини, кейин халқ мухаббатини ва нихоят халқ эътиқодини қозонгусидир.”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Расмий адабиётлар

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2008.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони; Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб қуватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида, 1995 й, 20 октябрь.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони; Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида, 1998й, 26 март.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони; Киномотография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида, 2004й, 16 март.

II.Методологик манбалар.

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.

-Т.:Ўзбекистон,1992.

2.2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.- Т.:Ўзбекистон, 1994.

2.3. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили.-
Т.:Ўзбекистон,1995 .

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; Хавфсизликга таҳдид
барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997

2.5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.- Т.:Ўзбекистон,1998.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Жамият тараққиётининг
асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маъриятдир.
Ўзбекистон овози, 1998й, 22 август.

2.7.2.8. Каримов И.А. Тархий хотирасиз келажак йўқ. -Т.:Асарлар, 7-
том,1999.

2.8. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. --
-Т.:Ўзбекистон,7-том, 1999.

2.9.Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё
билан ҳамкорлик йўли.-Т.:Ўзбекистон, 2003.

2.10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.
-Т.:Ўзбекистон, 2008

2.11.Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар.
-Т.: Ўзбекистон, 2001.

III.Рисола ва монографиялар.

3.1. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. - Т.: Ғ.Ғулом, 2000.

3.2.Абдусаматов Ҳ. Саҳна сардори.- Т.: Шарқ МАК, 2003.

3.3.Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим. - Т.: ТДСИ, 2003.

3.4. Аристотель. Поэтика. -Т.:Янги аср авлоди, 2004

3.5. Ахмаджонова К. Саҳнага таъзим. -Т.: Дизайн Пресс, 2010.

3.6.Белинский В.Г. Танланган асарлар.- Т.:Ўзбекистон, 1995.

3.7.Бориев Ю. Санъатда ва борлиқда ғожеалик ва кулгулилик. -М.:
Наука,1995.

- 3.8. Имомов Б. Ўзбек театр тарихи. -Т.:Ўқитувчи, 1995.
- 3.9. Имомов Б. Трагедия ва характер. -Т.:Ғ.Ғулом, 1977.
- 3.10. Икромов Ҳ. Давр ва театр. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2009.
- 3.11. Исломов Т. Тарих ва сахна. -Т.: Ғ.Ғулом, 1998.
- 3.12. Минаваров Ш. Театр-тарбия маскани. -Т.:Маънавият,1997.
- 3.13. Мирзаев С. XXаср ўзбек адабиёти. -Т.: Янги аср авлоди, 2005.
- 3.14.Рахматуллаева Д. Ўзбек театри; Тарихий драма. -Т.: Санъат, 1978.
- 3.15.Раҳмонов М. Ўзбек театр тарихи. -Т.: Ғ.Ғулом, 1986.
- 3.16.Ризаев О. Наби Рахимов. -Т.: Ғ.Ғулом, 1997.
- 3.17.Собиров Т. Ўзбек совет драматургияси. -Т.: Ғ.Ғулом, 1973.
- 3.18.Собиров Т. Замон, театр,экран. -Т.: Ғ.Ғулом, 1978.
- 3.19. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. -Т.: Тошкент, 1965.
- 3.20. Султон И. Адабиёт назарияси. -Т.:Ўқитувчи, 2005.
- 3.21. Турсунов Т.Турғун Азизов.-Т.:Янги аср авлоди, 2004.
- 3.22. Турсунов Т. Ўзбек театр тарихи. -Т.: Янги аср авлоди, 2010.
- 3.23. Турсунов Т. Сахна ва замон. -Т.: Янги аср авлоди, 2007.
- 3.24. Умаров М. Маннон Уйғур ва миллий театр эстетикаси. -Т.: Муסיқа, 2006.
- 3.25. Умаров Э. Эстетика. -Т.: Ўзбекистон,1995.
- 3.26.Умаров Э. Образлар дунёсида.-Т.: Ғ.Ғулом, 1979.
- 3.27. Умаров Э, Пал.И. Жанр эстетикаси.-Т.: Ғ.Ғулом, 1985.
- 3.28.Қодирова С. Комедия санъати тарихи. -Т.: Санъат, 2008.

IV. Мақолалар.

- 4.1. Абдурасулов Ш. Интиқом сохибаси.Театр, 2012й,4-сон.
- 4.2.Абумаликова З. Зубайда, Театр, 2012й,5-сон.
- 4.3.Абдусаматов Ҳ. Емирилиш. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988й, 8январь.

- 4.4. Жабборов К. Ёшликда футболчи бўлишни орзу қиладим. Ватанпарвар, 1999й, 12 январь.
- 4.5. Иброхимова Р. Мувозанатни кўриб. Театр, 2011й, 6-сон
- 4.6. Исроилов ТМ. Санъаткор бурчи. Театр, 2011й, 5-сон.
- 4.7. Махмудов Ж. Театр, режиссёр – актёр. Театр, 2011й, 6-сон.
- 4.8. Мирзакомилова Ф. Кўнгил мулки ижод завқи ва машаққатлари. Моҳият, 2011й 21 октябрь.
- 4.9. Ризаев Ш. Бахтли умрининг шарти. Театр, 2011й, 6-сон.
- 4.10.. Турсунов Т.Т. Янги спектакл эски муаммолар. Ўзбекистон маданияти, 1979й, 1 июнь.
- 4.11. Қурбон Б. Медеянинг янги талқини. Моҳият, 2010й, 23июль.

**ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА
2010-2015 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА САХНАЛАШТИРИЛГАН
СПЕКТАКЛАР**


№	Сахналаш тирилган йили	Асарнинг номи	Муаллифи	Сахналаштирувчи режиссёр
1.	2010	Чодир хаёл эртаклари	Н.Нурмат, Ш.Саъдулла	С.Мелиев
2.	2010	Медея	Еврепид	С. Мелиев
3.	2010	Кузнинг биринчи куни	Ў.Умарбеков	М. Абдуллаева

4.	2010	Номи ўчсин	Г.Горин	А.Исмоилов
5.	2010	Эзгулик йўлида	Ш.Ризаев, Н. Аббосхон	С.Мелиев
6.	2011	Ишқ бошқа хавас бошқа.	Р. Мухаммад -жонов	Г.Мустафин
7.	2011	Нўхат устидаги малика	Г.Х Андерсен	С.Мелиев
8.	2011	Жийдалилар	Э.Аъзам	С.Мелиев
9.	2011	Кўкга учган орзулар	Ж.Стейнбег	С.Мелиев
10	2011	Мувозанат	У.Хамдам	С.Мелиев
11	2011	Зубайда	К.Готци	С. Мелиев
12	2012	Аёл	З.Куролбой қизи	М.Раупов
13	2012	Мамаша Кураж	Б.Брехт	С.Мелиев
14	2012	Евгений Онегин	А.С.Пушкин	С.Мелиев
15.	2013	Минг йиллик хангома	С.Аҳмад	С.Мелиев
16.		Дахо	А.Йўлдошев	С.Мелиев

17	2013		С,Ахмад, Ш.Бошбеков	С.Мелиев
		Вафодор		
18	2014		Э.Аъзам	С.Мелиев
		Фаррош		
	2014	кампирининг туши	П.Мўмин	Г.А.Мустафин
19		Конфетвойнинг		
	2014	саргузаштлари	Н.В.Гогол	А.Арифхонов
20		Телбаном		
	2014	моноспектакл	Ф.Усмонова	С.Мелиев
21		Қиз келин		Ф.Ашуров
	2015		Ш.Қаххор	Ж.Аҳмедов
22		Илҳақ	С.Ахмад	Х.Махмудова
23	2015	Садоқат		
	2015		Ш.Бошбеков	Б.Мирмаксудов
24		Чароғбонлар		
	2015		А.Авлоний	Ғ.Мардонов
25		Зулматдан нур		
	2015		С.Хамраев	Ғ.Мардонов
26		Гумрох		
	2015		Д.Масайдов	Д.Масайдов
27		Сохта қорқиз		
	2015			

**Ўзбек Давлат драма театрида 2011 йил режиссёр С.Мелиев томонидан
сахналаштирилган, К. Готцининг “Зубайда” спектакли.**





Ўзбек Давлат драма театрида 2014 йил режиссёр С.Мелиев томонидан сахналаштирилган, С.Аҳмад, Ш. Бошбековнинг “Вафодор” спектакли.





Ўзбек Давлат драма театрида 2015 йил режиссёр Ж. Аҳмедов томонидан сахналаштирилган, А.Қаҳҳорнинг “Илҳақ” спектакли.



